

Маррани доимо баланд
олиб яшанг, эртанги
кун бизники, сиздек
шижоатли
ёшларимизники!

Ислом КАРИМОВ



“УНИВЕРСИАДА – 2010” СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадри фарзандларим!
Муҳтарам устоз ва мураб-
бийлар!

Авваламбор, сиз азизларни
ғўзал ва бетакрор Андижон за-
минида бошланаётган “Уни-
версиада – 2010” спорт ўйин-
ларининг тантанали очилиши
билан чин қалбимдан самимий
муборақбод этаман.

Ҳеч кимга сир эмас, бугун-
ги кунда ўзининг қадр-қимма-
ти, гуруҳ ва ифтихорини сақ-
лаб, ўз кучи ва қудратига
ишонган, ўз меҳнати ва ақл-
заковати билан ўз келажагини
қуриш, ўз юртини ҳимоя
қилишга қодир бўлган давлат
ва жамиятнинг дунё аҳли тан
олади ва ҳурмат қилади.

Биз ўз олдимизга қўйган
ана шундай юксак мақсадни
амалга оширишда аввало жис-
моний баркамол, замонавий
билим ва тараққиёт ютуқла-
рини чуқур эгаллаган, ирода-
си бақувват, маънавий етук ав-
лодни ҳал қилувчи куч сифа-
тида кўрамиз.

Ёшларимизнинг дунёда ҳеч
кимдан кам бўлмасдан вояга
етиши, уларнинг қобилият ва
истеъдодини рўёбга чиқариш,
ўз олдига мақсад қилиб қўйган
марраларга кўтарилиши, бир
сўз билан айтганда, фарзанд-
ларимизга майдонни кенг очиб

бериш мақсадида қабул
қилинган умуммиллий дастур-
ларимиз, режаларимиз ва
саъй-ҳаракатларимиз бугунги
кунда самарали натижаларни
бера бошлаётгани барчамиз-
ни қувонтиради, албатта.

Мамлакатимизда барпо
этилаётган, ўғил-қизларимиз
учун бағрини очётган минг-
минглаб замонавий мактаблар,
лицей ва коллежлар, олий
ўқув юртлири, санъат, мадания-
ят ва спорт масканлари ана шу
эзгу, ҳақиқатдан ҳам, тарихий
ишларимизнинг амалий нати-
жаси сифатида намоён
бўлмоқда.

Айниқса, инсоний камолот-
нинг энг муҳим шarti бўлган
жисмоний тарбия ва спортнинг
ҳар қайси шаҳар ва қишлоқ,
ҳар бир хонадонга кириб бо-
ришига эришиш, бу соҳадаги
барча ютуқларнинг пойдевори
бўлмиш болалар спортини ҳар
томонлама ривожлантириш,
спорт орқали ёш авлод қал-
бида ирода, мардлик ва мато-
нат фазилатларини тарбиялаш,
ҳаётимизда соғлом муҳитни
янада мустаҳкамлаш йўлидаги
улкан ишларимиз ҳақида,
ўйлайманки, бугун ортиқча га-
пиришга зарурат йўқ.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

2010-2011 Ўқув йилида ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДА

Республика иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида талаб этиладиган юқори малакали мутахассисларни сифатли тайёрлашни таъминлаш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқтисодиётни модернизация қилиш ҳамда таркибий қайта қуриш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда таълим йўналишларини янада унификация қилиш ва олий маълумотли кадрларни тайёрлаш тизimini такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасарруфда олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар иштирокида, олий ўқув муассасаларига қабулни янада такомиллаштиришнинг ишлаб чиқилган принципларини ҳисобга олган ҳолда, талаб қилинаётган ихтисосликлар бўйича

юқори малакали мутахассисларни иқтисодиётнинг тармоқлари ҳамда соҳаларидаги реал эҳтиёжлардан келиб чиқиб, 2010-2011 ўқув йили учун:

бакалаврларни 56 607 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича — 19 755 ва тўлов-контракт асосида — 36 852 нафар миқдоридан, уларни олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича 1-иловага мувофиқ тақсимлаган ҳолда;

магистрларни 5 856 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича — 1 561 ва тўлов-контракт асосида — 4 295 нафар миқдоридан, уларни олий таълим муассасалари ва мутахассисликлар бўйича 2-иловага мувофиқ тақсимлаган ҳолда;

бакалаврларни Тошкент кимё-технология институти (Кўнғирот бўлими)нинг махсус сиртки бўлимига давлат грантлари бўйича — 65 киши ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус сиртки бўлимига — 50 киши,

шу жумладан, давлат грантлари бўйича — 15 кишини қабул қилиш квоталари 3-иловага мувофиқ белгилансин;


муддатли ҳарбий хизматдан бўшаш чоғида олий таълим муассасаларига кириш учун тавсияномалар олган ҳарбий хизматчилардан 2010-2011 ўқув йилига умумий қабул квотаси доирасида 11 300 киши миқдоридан бакалаврларни қабул қилиш белгиланган, бу эса умумий қабул квотасининг 20 фоизини ташкил қилади.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, 2010-2011 ўқув йилида Тошкент шаҳрида очилган Турин политехника университетининг янги бинолари комплексида бакалаврларни тайёрлаш бўйича қабул квоталари автомобиль инжиниринги, машинасозлик технологияси, саноат ҳамда фуқаролик қурилиши инжиниринги каби ва бошқа истиқболли йўналишлар бўйича 200 киши миқдоридан белгиланган.

(Давоми 2-бетда.)

СПОРТ, ЁШЛИК ВА ҒЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

Андижонда олий ўқув юртлири талабалари ўртасида
“Универсиада-2010” спорт мусобақалари бошланди



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад йўлидаги изчил ишлар юксак самаралар бермоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, шаҳару қишлоқларда ёшларимизнинг пухта билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, ўз қобилият ва иқтидорини намоён этиши учун яратилган шарт-шароит ва имкониятлар — замонавий мактаб, лицей ва коллежлар, спорт мажмуалари, ёшлар ижод саройлари баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Баркамол авлод йили деб эълон қилинган 2010 йилда Универсиада мусобақаларининг ўтказилиши теран маъно-мазмунга эга. Зотан, баркамол авлод тарбиясида спорт мусобақаларининг ўрни беқиёс. “Универсиада – 2010” якуний босқичига мезбонлик қиладиган Андижон шаҳрида мазкур спорт анжуманига пухта ҳозирлик кўрилди.

(Давоми 15-бетда.)



"УНИВЕРСИАДА – 2010" СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Биргина Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан кейинги йилларда қарийб 160 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 1 минг 130 та болалар спорт объекти бунёд этилгани ва жиҳозлангани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Бу ҳақда гапирганда, юртимизда шаклланган, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт ўйинларини ўз ичига олган уч босқичли ноёб тизимнинг бамисоли қудратли тўлқинга айланиб, миллион-миллион болаларимизни ўз сафига қамраб олаётгани, уларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб улғайиши учун хизмат қилаётганини мамнуният билан таъкидлаш лозим. Айниқса, бу тизимнинг юқори босқичи бўлган Универсиада мусобақалари ёшларимиз учун том маънода чиниқиш ва камолот мактабига айлангани эътиборлидир.

Мамлакатимизда бешинчи бор ўтказилаётган Универсиада ўйинлари, мана, ўн йилдирки, нафақат унинг иштирокчилари, балки барча ўғил-қизларимиз, бутун халқимиз ҳаётдан мустаҳкам ўрин эгаллаб, Ўзбекистон талаба-ёшларининг нуфузли спорт анжуманига, таъбир жоиз бўлса, кичик олимпиадага айланди, десак, асло муболаға бўлмайди.

Ўзининг биринчи умидбахш ютуқларини айнан Универсиада мусобақаларида қўлга киритган 40 нафардан зиёд спортчи ёшларимиз Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва Осиё беллашувларида, кўплаб нуфузли халқаро турнирларда юксак шохсупаларга кўтарилгани ҳам шундан далолат беради.

Универсиада ҳаракатининг ана шундай эзгу аъналарини бошлаб берган Аббос Атоев, Абдулла Тангриев, Рустам Саидов, Ришод Собиров, Оқгул Омонмуродова, Светлана Радзивил, Севара Қодирова, Саида Искандарова, Вадим Меньков, Дилшод Мансуров, Элмурод Холиқов каби истеъдодли спорт-

чиларимиз бугунги кунда Ўзбекистон шухратини бутун дунёга тараннум этиб келаётгани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда сиз азиз фарзандларимизнинг очиқ чехрангизга боқиб, биз — ота-оналар, устоз-мураббийлар сизларнинг тимсолингизда вужудидан куч-ғайрат ёғилиб турган, ўз олдиға юксак мақсадлар қўйиб янги дунёқараш, янги тафаккур билан ҳаётга кириб келаётган, биз бошлаган ишларнинг давомчиси бўлган навқирон авлодни кўрамиз ва бундан барчамизнинг юрагимиз қувонч ва ғурурга тўлади.

Универсиада мусобақаларининг навбатдаги беллашувлари айнан Баркамол авлод йилида бўлиб ўтаётгани ўзига хос рамзий маъноға эға эканини, у ҳар бир иштирокчидан катта маҳорат ва масъулият талаб қилишини тушуниш, англаш қийин эмас.

Бугун ана шундай кўтаринки рух, баланд кайфият билан белни қаттиқ боғлаб майдонға чиқаётган экансиз, ҳеч қачон унутмангки, сизларнинг ортингизда барчамиз учун ягона ва муқаддас Ватанимиз, ҳар бирингизға галаба ёр бўлишини тилаб турган бағрикенг ва фидойи халқимиз бор.

Токи қалбингиз, юрагингизда шундай ишонч, шундай эзгу туйғу жўш урар экан, аминманки, сизлар ҳар қандай юксак маррани забт этишда бўш келмайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу Универсиада ўйинларини юқори даражада ўтказиш учун замонавий спорт мажмуаларини барпо этган қурувчиларға, меъмор ва муҳандислар, пудратчи ва ҳомий ташкилотларға, бутун Андижон аҳлиға самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Сизларни бугунги ёшлик ва гўзаллик байрами билан яна бир бор табриклаб, мусобақаларда барчангизға бахт ва омад, келгуси ҳаётингизда янги-янги ютуқлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

2010-2011 Ўқув йилида ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

3. 2010-2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг таркиби 4-иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат комиссиясига, тест синовлари натижаларидан келиб чиқиб, белгиланган тартибда мазкур қарор билан тасдиқланган умумий қабул квоталари доирасида олий таълим муассасалари бакалавриати ва магистратураси қабул кўрсаткичларига зарур ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эға бошқа вазирликлар ва идоралар қабулға тайёргарлик кўриш ва уни ташкил қилиш ҳамда ҳарбий хизматдан бўшатилишида олий таълим муассасаларига кириш учун тавсияномалар олган муддатли ҳарбий хизматчилар учун белгиланган квоталарға риоя этилиши устидан назорат ўрнатсин.

5. Тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида ўзларига қарашли олий таълим муассасалари доирасида бакалавриат ва магистратура бўйича давлат гранти ҳамда тўлов-контракт асосида ўринлар квотасини таълим тилларига қараб тақсимлашға оид тақлифларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2010-2011 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакалавриат ва магистратураға қабул қилишнинг тасдиқланган квоталарига мувофиқ вужудға келаётган талабалар контингентини ҳисобға олган ҳолда, бюджетдан за-

рур маблағлар ажратилишини таъминласин;

жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб, бир нафар талабаға таълим бериш харажатларидан келиб чиққан ҳолда, олий таълим муассасаларининг харажатларини бюджет маблағлари ҳисобидан норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартибини жорий этиш тақлифларини бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда эгаллаб турган лавозимдаги таълим даражаси ва йўналишиға нисбатан маляка талаблари кўрсатилган ҳолда хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касби Классификаторини 2010 йилнинг 1 августиға ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг олий таълимнинг зарур профили ҳамда даражасидаги мутахассислар билан таъминланганлигини, шунингдек, йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича бакалаврлар ва магистрларға бўлган истиқболдаги эҳтиёжни ҳисобға олиш статистикасини такомиллаштириш бўйича тақлифларни уч ой муддатда 2010-2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 28 май

Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради.

Математика соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Александр Федорович Лаврик 83 ёшида вафот этди.

А.Лаврик 1927 йилда Россия Федерациясининг Кемерово вилоятида туғилди. Ўрта мактабни тугатганидан кейин Иккинчи жаҳон урушида фашизмға қарши жангларда иштирок этди.

Урушдан сўнг Фарғона давлат педагогика институтини тамомлаб, Тошкент шаҳридаги 90-мактабда ўқитувчи сифатида иш бошлади. 1956 йили Ле-


Академик Александр ЛАВРИК

нинград давлат институти қошидаги аспирантураға ўқишға кирди. 1958 йилда номзодлик, 1967 йилда эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси аъзолигиға сайланди.

А.Лаврик 1957-1967 йиллар давомида Тошкент Олий умумқўшин кўмондонлик билим юртида кафедра мудири лавозимида хизмат қилди. Унинг кейинги қарийб ярим асрдан зиёд

давом этган илмий-педагогик фаолияти Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти билан боғлиқ ҳолда кечди. Бу даргоҳда кафедра мудири сифатида иш олиб бориб, юртимизда математика фанини ривожлантириш, ёш кадрларни тайёрлаш ишиға салмоқли ҳисса қўшди.

Унинг математика фанининг долзарб масалаларига бағишланган 100 га яқин илмий мақолалари, ўнлаб рисола ва тўпламлари ил-



мий жамоатчиликка яхши маълум.

Заҳматкаш олим ўз фао-

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУХАМЕДОВА,
Ш.МИРЗИЁЕВ, А.АРИПОВ, Ш.СОЛИХОВ,
М.САЛОҲИДДИНОВ

лияти мобайнида 3 нафар фан доктори ва ўндан зиёд фан номзодиға илмий раҳбарлик қилди.


Академик А.Лаврикнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби" фахрий унвонига сазовор бўлган эди.

Таниқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Александр Лаврикнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.



ЮКСАК БИЛИМ ВА ЗАКОВАТ КЎРИГИ

Шу ҳафтада Тошкент давлат техника университети қошидаги компьютер технологиялари академик лицейида умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг энг билимдон ўқувчилари ўртасида умумтаълим фанлари олимпиадасининг якунловчи — республика босқичи бўлиб ўтди. Таъкидлаш керакки, фан олимпиадасининг мактаб, туман (шаҳар) ва вилоят босқичларида умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таълим олаётган минг-минглаб ўғил-қизлар қатнашди. Ана шу ўқувчилар орасида энг иқтидорли, энг зукко деб топилган, вилоят босқичида 76 ва ундан юқори балл тўплаб, 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган 600 нафардан зиёд ўғил-қиз олимпиаданинг якуний босқичида ўзаро беллашди.



Олдинги йилларда ўтказилган беллашувлардан фарқли ўларок, бу йил Республика фан олимпиадасининг IV босқичида 2- ва 3-ўринларни эгаллаган ўқувчилар ҳам иштирок этишди. Бу иқтидорли ўқувчилар ўртасида рақобатни кучайтириши билан бирга энг истеъдодли ўғил-қизларни саралашга ҳам замин яратади.

Айтиш жоизки, ўқувчиларнинг ихтирочилиги, илмий-ижодий изланишга бўлган қизиқишларини янада кучайтириш, танлаган касбий йўналишлари бўйича меҳнат бозорига тайёргарлик салоҳиятини юксалтиришда республикамиз миқёсида фан олимпиадалари, симпозиумлар, мусобақалар, кўрик-танловлар муҳим аҳамият касб этаётир. Қувонарлиси, бунинг натижасида ўқувчиларимиз халқаро олимпиадаларда ҳам ўз истеъдод ва билимларини муносиб намойиш этмоқда. Жумладан, 2009 йили Германиянинг Бремен шаҳрида ўтказилган математика фани бўйича халқаро олимпиадада ўқувчиларимиз 1та кумуш, 2та бронза медални, 2010 йили Озарбойжон Республикасининг Боку шаҳрида ўтказилган 44-халқаро Менделеев олимпиадасида 2та бронза медали ва бта рағбатлантирувчи диплом соҳиби бўлди.

Низомга биноан, олимпиаданинг якуний босқичи икки турда — ёзма ва тест синовлари кўринишида ўтказилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, олимпиада синовлари ўтказилган ТДУ қошидаги компьютер технологиялари академик лицейида амалий-ижодий, ёзма ишлар, тест синовлари учун барча шароитлар яратилди. Хусусан, чизмачилик фанидан синовлар бўлаётган аудиторияни кузатиб, бунга тўлиқ амин бўлди. Иштирокчилар чизмачиликка оид барча жиҳозлар (қоғоз, қалам, чизгич ва ҳ.к.) билан таъминланган. Улар график амалий ишларни бажаришарди. Жараёни аудитория раҳбари,

тнинг ҳар бирига 5тадан вариант солинган. Улардан умумлаштирилган вариант ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди. 7 кишилик ҳакамлар ҳайъати таркибида умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ўқитувчиларидан ташқари ана шу фаннинг назарий асосчилари ҳам бор.

Ўқувчисини синовларга олиб келган ўқитувчи ёки отонанинг ўзи ҳам гўёки имтиҳондан ўтаётгандек. Аслида иштирокчидан кўра ташқарида қолган кишига ҳиссиёт ва ҳадик юки кўпроқ тушади. Академик лицей ҳовлисида иштирокчилар билан бирга келган ана шундай ҳолатдаги жуда кўплаб ота-оналарни, ўқитувчиларни, ташкилотчиларни учратиш мумкин эди.

Гулчеҳра Абдуллаева, Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси методика маркази раҳбари:

— Халқ таълими тизимидан 14 нафар, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидан 24 нафар ўқувчи вилоятимиз шаънини ҳимоя қилиш учун сўнгги босқичда иштирок этмоқда. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашнинг энг ишончли далили сифатида, бу йил вилоят босқичида иккинчи, учинчи ўринни эгаллаган йи-

етиши аввалги йилларда умуман кузатилмаган. Бундан ташқари, она тили ва адабиёт, инглиз тили, математика, иқтисодий билим асослари, тарих фанларидан иштирокчиларнинг 37-39 нафарни ташкил этиши ёшларда ана шу йўналишларга нисбатан қизиқиш ва лаёқат кучайиб бораётганидан далолат беради.

...Олимпиаданинг ҳолис, ҳаққоний, ҳар қандай шубҳа ва тахминлардан холи ўтилишини таъминлаш мақсадида ҳар бир аудиторияга ота-оналардан вакиллар киритилди. Биринчи турда рус тили ва адабиёти фанидан ҳолис ҳакам бўлиб кирган Комилжон Норовнинг ҳулосаси шундай:

— Фарзанди кимё фанидан қатнашаётган ота ёки она бутунлай бошқа йўналишдаги фанга ҳолис кузатувчи сифатида киритилиши беллашувнинг аҳамиятини оширади. Мен рус тили ва адабиёти фанидан 21 нафар ўқувчининг ёзма ишдан синов топшириш жараёнини кузатдим. Ўқувчиларга айнан бир хил вариант ёки топшириқларнинг ҳавола этилиши уларнинг билим даражасини таққослаш орқали Низом талабларига мувофиқ таҳлил қилишда, баҳолашда қийинчилик туғдирмайди.

Беллашувлар давом этаётган кезларда лицей ҳовлисида ўтирган устоз-мураббийлар, ота-оналарга юзланамиз.

— Шогирдим Дилфуза Жумагулова олимпиаданинг вилоят босқичида француз тилидан 81,5 балл билан биринчи

МАХСУС ТАЪЛИМ

Ҳамза туманидаги кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатида умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадасининг сўнгги босқичи бўлиб ўтди. Унда Андижон, Бухоро, Наманган, Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм ҳамда бу йил биринчи марта иштирок этаётган Жиззах вилоятининг 19 нафар вакили ўзаро беллашди. Мазкур олимпиадада кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатларининг вилоят босқичида 1-, 2- ва 3-ўринни эгаллаган ўқувчилар она тили ва математика фанларидан икки босқичли синов топшириқларини бажардилар. Биринчи турда ўқувчилар математика фанидан Давлат тест маркази томонидан тақдим этилган мисолларни ечиб, амалий топшириқларни бажарган бўлсалар, она тилидан "Баркамол авлод — келажак пойдевори", "Алишер Навоий — мен севган ижодкор", "Ишқинг билан яшайман, Ватан!" сингари мавзуларда иншо ёздилар. Иккинчи турда эса олимпиадачилар ҳар иккала фандан тест саволларига жавоб беришди.

Дарҳақиқат, бу йилги олимпиадада ҳар қачонгидан юксак савияда ташкил этилди. Унда иштирок этаётган ўқувчиларнинг маҳорати ва тайёргарлиги юқори даражада. Буни вилоят босқичида ўқувчилар қайд этган натижалар мониторингидан ҳам кўриш мумкин.

Икки нафар ўқувчисининг топшириқларни бажариб чиқишини сабрсизлик билан кутаётган Андижон вилояти Асака туманидаги 16-кўзи ожизлар махсус мактаби раҳбари Доноёр Қорабоевнинг таъкидлашича, 2009 йили 16-махсус мактаб тўлиқ таъмирланиб, зарур жиҳоз ва техник воситалар билан тўла таъминланган. Айни пайтда ўқувчиларни касбга йўналтириш мақсадида мусиқа, рўзгоршунослик ва бошқа тўғараклар ташкил этилган.

— Ҳаётимда олимпиаданинг ўрни беқиёс, — дейди Наманган вилояти Косонсой туманидаги 45-махсус кўзи ожизлар мактаб-интернат ўқувчиси Маҳмуда Сотиболдиева. — Шунинг учун олимпиаданинг сўнгги республика босқичига катта тайёргарлик кўрдик. Устозим Турғуной Қодирова билан тинимсиз изландик, тестлар устида ишлаб, мисол ва масалаларни ечиш усулларини ўргандик.

Куни кеча барча фанлар бўйича тест топшириқларини ўз билим даражасига кўра бажариб чиққан ўқувчиларнинг умумий натижалари бугун эълон қилинади. Бу ҳақдаги тафсилотлар билан газетамизнинг кейинги сонидан танишишингиз мумкин.


Хулкар ТҶИМАНОВА, Курбонбой МАТҚУБОНОВ, Санжар РУСТАМОВ, «Ma'rifat» мухбирлари

Суратларда олимпиада жараёнидан лавҳалар акс этган.

Владимир ГРАНКИН олган суратлар.

Olimpiada-2010

гит-қизлар ҳам ўз билимларини синаб кўриш имкониятига эга бўлди. Жиззах вилоят педагог ходимлар малакасини




ошириш ва қайта тайёрлаш институти раҳбарияти ёрдами билан 38 нафар ўқувчи бир ой мобайнида ўз фанлари йўналишида олимпиадага ҳар томонлама тайёргарлик кўрди. Бу жараёнда жами 100 нафар ўқитувчининг ёрдамига таяндик. Умидимиз бор, илк бора бизда қўлланган бу тажриба ўзининг самарасини беради.

Якуний босқич жараёнида иш олиб бораётган бир неча кишилик ташкилий қўмита ва 150га яқин ҳакамлар ҳайъати аъзолари ўқувчиларнинг нафақат билим даражасини таҳлил қилиш билан, айни пайтда фанлар ва вилоятлар кесимидаги мониторинг натижаларини ҳам кўриб чиқишга масъулдилар.

Бухорбой Ақромов, ташкилий қўмита аъзоси:

— 600дан зиёд ўқувчининг якуний мусобақада иштирок



ОКДАРЁ ТУМАНИДАГИ МАКТАБЛАР ИШТИРОКИДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ФАНЛАРИ ОЙЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН ФЕСТИВАЛГА ТАКЛИФ ЭТИЛГАНЛАР ЎЗЛАРИНИ ХУДДИ ПАРИЖ КЎЧАЛАРИДА ЎРГАНДЕК ХИС ҚИЛИШДИ.

2-мактаб ўқувчиси Фариди Рўзмуродова Франция давлатининг тарихий ёдгорликлари ҳақида тутилмасдан, худди ҳақиқий французлардек гапириши ўқитувчиларнинг изланувчанлигидан далолат.

Ойлик якунига бағишланган якуний фестивалда "Тили ўрганилаётган мамлакатга саёҳат", "Тил билган — эл билади" каби мавзулардаги деворий газеталар ва расмлар танлови, "Хорижий тиллар билағони", "Ёш саёҳатчилар" каби мусобақалар ташкил қилинган, айниқса, диққатга сазовор.

Туман ўқувчилар ижодиёт марказидаги тил ўргатиш тўғрисидаги ҳам фан ойлигини мазмунли ўтказишга яқиндан ёрдам берди. Тўғаракнинг жажжи аъзолари — 5-6 ёшли болакайлар инглиз тилида шеър ва кўшиқлар куйлашди.

Фан ойлиги якунланган бўлса-да, ёзги оромгоҳларда ўқувчилар тарбиячи ва ўқитувчилар ёрдамида тил ўрганишни давом эттиришади.

Эркиной ҚАРШИЕВА, Окдарё ТХТБ методика кабинети методисти

— МУСИҚАГА МЕХР ҚЎЙГАН БОЛА КЕЛАЖАКДА САНЪАТКОР БЎЛМАСЛИГИ МУМКИН, АММО МАЪНАН БАРКАМОЛ, ТАФАККУРИ КЕНГ, ГЎЗАЛ АХЛОҚЛИ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТАДИ, — ДЕЙДИ МУАЛЛИМ. — ШУ БОИС ҲАР БИР ДАРС МАШҒУЛОТИМДА ЁШЛАРНИ МУСИҚА ДУНЁСИГА ЕТАКЛАШГА АСТОЙДИЛ ҲАРАКАТ ҚИЛАМАН.

Фарғона шаҳридаги 25-мактабнинг мусиқа фани ўқитувчиси Ганижон Ҳошимовни вилоятдаги мазкур фандан сабоқ берувчи ўқитувчилар жуда яхши танишади. Боиси, домла 28 йиллик иш фаолияти давомида кўплаб ёшлар қалбига мусиқа оламнинг нозик сир-асрорларини жойлади, чинакам санъат шайдоларини тарбиялади.

Шу кунларда Фарғона шаҳридаги мактабларнинг мусиқа фани ўқитувчиларига «Мусиқа дарсларида ДТС талабларининг бажарилиши» мавзусида ташкил этилаётган семинар-тренингларида Ганижон Ҳошимов услуби кенг оммалаштирилмоқда.

Ганижон ака мактабда мусиқа фанидан дарс бериш билан бирга, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари вазифасида ҳам фаолият юритмоқда.

«Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси-2010» кўрик-танловининг шаҳар босқичида «Шашмақом» мавзусидаги дарси билан қатнашган Ганижон ака биринчи ўринга лойиқ деб топилди, вилоят босқичига йўлланма олган эди. Тажрибали педагог вилоят босқичида ҳам ўзининг «Юнус Ражабий ижоди» мавзусидаги дарси билан қатнашиб, педагогик маҳоратини яна бир бор намоиш этди.

Баҳодиржон ШОКИРОВ, «Ma'rifat» мухбири

ДУНЁДА КАНЧА ОДАМ ХИТОЙ ТИЛИДА СЎЗЛАШИШНИ БИЛАСИЗМИ, КОРЕЙС ТИЛИДА-ЧИ?

1 млрд. нафардан зиёд киши орасида Шайхонтохур туманидаги хитой тилига ихтисослашган 59-мактабда таълим олаётган ўқувчилар ҳам бемалол хитой ва корейс тилларида сўзлашиб, бир-бирларини «Суэси», «Илкисий» — «ўқи», «илм ол», дея чуқур билим эгаллашга тарғиб эта олишади. Яқинда мактабда «Хорижий тиллар фанлари ойлиги» доирасида бўлиб ўтган хитой ва корейс тиллари фан фестивалида бунга биз ҳам гувоҳ бўлдик.

Хитой тили ўқитувчиси Кай Су ҳамда корейс тили фани ўқитувчилари Наимахон Ҳайдарова ва Фотима Ҳамидова очиқ дарсларни жуда қизиқарли тарзда ўтиб беришди. Дарслар давомида мазкур тилнинг тарихи, шаклланиш жараёнлари тўғрисида қизиқарли маълумотлар берилар экан, ўз навбатида ўқувчиларнинг ҳам ушбу халқларнинг маданияти, урф-одатлари ҳақида хитой ва корейс тилларида ўз фикрларини раво ифода-лаб беришлари ота-оналари мутахассисларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, Шаҳзода Содикхўжаева, Азиза Наримова, Отабек Ортиқов сингари ўқувчиларнинг ўзларининг чуқур билимларини намоиш этиши ўқитувчилар меҳнатига ўзига хос баҳо бўлди, дейиш мумкин.

Ҳар иккала фан бўйича ҳам кўргазмалар кўроллари, газета ҳамда фотоальбомлар танловлари бўлиб ўтди.

Анвар ҚОБИЛОВ

ХОРАЗМ ЛАЗГИСИ НЕЧА АСРЛАРДАН БУЁН САЙҚАЛ ТОПИБ, ИНСОНЛАР ҚАЛБИГА ЖЎШҚИНЛИК ВА ШИЖОАТ НУРИНИ ТАРАТИБ КЕЛАЁТГАН МИЛЛИЙ КЎШИҚЛАРИМИЗДАН БИРИДИР. БУ КЎШИҚГА КОРЕЙС МИЛЛАТИГА МАНСУБ ҚИЗЛАРИНИНГ МОХИРОНА РАҚС ТУШГАНИГА НИМА ДЕЙСИЗ?

Тошкент шаҳридаги «КОИСА» корейс ўқув марказида бўлиб ўтган «Корея маданияти куни» фестивалида нафақат корейлик, балки ўзбек ёшлари ҳам ўзларининг иқтидор ва маҳоратларини намоиш этдилар.

Низомий номидаги ТДПУ ҳамда «КОИСА» ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу фестиваль, асосан, санъат ва маданият йўналишидаги ижроларга бағишланиб, унда республикамизнинг турли ҳудудларидан келган, корейс тилини ўрганувчи талабалар кўшиқ айтиш, рақс ва сахна кўриниши каби шартлар асосида ўзаро беллашдилар.

Фестиваль якунида иштирокчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Хусусан, I ўринни ҳазил ва юморга бой тарзда кўйган сахна кўриниши билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари эгаллашди. II ўринга эса Низомий номидаги ТДПУ ёшларининг чиқишлари лойиқ деб топилди. Фарғона ва Бухоро вилоятидан келган корейс тилини мукамал ўрганишга киришган талабалар III ўринни олишди. Шунингдек, фестивалда фаол иштирок этган гуруҳларга ҳам рағбатлантирувчи мукофотлар берилди.

Соҳиба МУЛЛАЕВА, «Ma'rifat» мухбири



ТАДБИР ДАВОМИДА ЎҚУВЧИЛАР ТОМОНИДАН 5 ИЮНЬ — БУТУНЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТ КУНИГА БАҒИШЛАБ САҲНА КЎРИНИШЛАРИ, КЎРГАЗМАЛАР ВА ЭКОЛОГИЯ ҲАҚИДА ХУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ. «ЭКОСАН» ТОМОНИДАН МЕЗБОН ТАЪЛИМ МУАССАСИГА СОҲАГА ОИД АДАБИЁТЛАР, ХАРИТА ВА ПЛАКАТЛАР ТЎПЛАМИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ.

Пойтахтимиздаги 135-умумтаълим мактабида «ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди ва Тошкент давлат педагогика университети ҳамкорлигида «Экология ва ёшлар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда иштирок этган ташкилотчилар, соҳа мутахассислари мамлакатимизда атроф-муҳитни асраш борасида самарали чора-тадбирлар амалга ошириб келинаётганини таъкидладилар.

Хусусан, таълим тизимининг барча бўғинлари учун мўлжалланган экология бўйича ҳуқуқий-меъёрий асос, ўқув қўлланмаларининг такомиллаштириб борилаётгани, бу борадаги дарс жараёнларида интерфаол усуллардан фойдаланилаётгани ҳамда экотуристик саёҳатларнинг мунтазам уюштириб келинаётгани ёш авлод орасида экологик маданиятни янада чуқур қарор топтиришга хизмат қилмоқда.

Фазлиддин АТАЕВ

АПРЕЛЬ ОЙИДА УНИВЕРСИТЕТИМИЗДАГИ ШАРОИТЛАР ЭКСПЕРТЛАР ТОМОНИДАН ТЕКШИРИЛИБ, БРИТАНИЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ АКАДЕМИК ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРА ОЛИШИ ТАСДИҚЛАНДИ.

Мазкур ташриф натижаларидан келиб чиққан ҳолда лицей ва коллеж ўқувчилари учун янги дастур таклиф қилаямиз. Дастур шартларига кўра, Тошкент халқаро Вестминстер университети (ТХВУ) лицейини муваффақиятли тугатган ўқувчилар кейинчалик тўғридан-тўғри университетимизнинг иккинчи босқичига қабул қилиниши мумкин, — дейди ТХВУ Маркетинг бўлими бош мутахассиси Дилбар Қосимова.

— Тошкент ислом университети қошидаги академик лицейда ўқийман. Иқтисодиёт ва инглиз тили фанларига қизиқишим катталиги боис, мазкур олий ўқув юртида ўтказилаётган «Очиқ эшиклар куни»га келдим, — дейди Ирода Ҳасанбоева. — Бу ердаги шарт-шароитлар, ўқитиш тизими, талабалар учун яратилган қулайликлар, замонавий технологиялар ёрдамида дарс берилиши менга маъқул бўлди.

«Очиқ эшиклар куни»да яна университет талабалари ёрдамида таълим муассасаси биноси бўйлаб саёҳат ташкил қилинди ҳамда абитуриентлар ўзлари қизиққан саволларга ТХВУ ўқитувчилари, ходимлари ва талабаларидан жавоб олишга муваффақ бўлишди.

Шаҳина ЖЎРАЕВА, «Ma'rifat» мухбири

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЗИКА ФАКУЛЬТЕТИДА ФИЗИКА ФАНИ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАР РЕСПУБЛИКА ФАН ОЛИМПИАДАСИНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ ЎТҚАЗИЛДИ.

Фан олимпиадасида мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларидан ташриф буюрган талабалар назарий, ёзма иш, лаборатория иши ва тест синовлари орқали билим ва кўникмаларини намоиш этишди.

Урганч давлат университети физика-техника факультети 2-босқич талабаси Т.Жуманиёзов олимпиада ғолиби бўлди. Самарқанд давлат университети физика факультети 4-босқич талабаси Ш.Жоникўлов иккинчи ва Ўзбекистон Миллий университети физика факультети 3-босқич талабаси Т.Отаев учинчи ўринни эгаллашди.

Ҳ.ЖЎРАЕВ

НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ЧЕККА КИШЛОҚЛАРИДАН БИРИ ШЎРКЎРҒОНДАГИ 8-МАКТАБДА ҲАМ «СЎНГГИ КЎНФИРОҚ» КАТТА ТАНТНА БИЛАН НИШОНЛАНДИ.

83 нафар ўқитувчидан 1367 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олаётган ушбу даргоҳни бу йил 200дан ортиқ битирувчи тугатиш арафасида турибди. Тадбирда сўзга чиққан фахрий устозлардан Санобар Бобоназарова, Ҳабиба Исомиддинова, Раъно Ҳайдарова, Кимёхон Қорабоева битирувчи ёшларга муваффақиятлар тилашди.

Сўнгги кўнғироқ садолари остида «Синфдошлар» шеърини эшитган битирувчиларнинг кўзларида ёш қалқиди.

Пўлат ҲАМДАМ

ДЕНОВ ТУМАНИДАГИ 1-УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИДА ҲАМ «СЎНГГИ КЎНФИРОҚ» ТАДБИРЛАРИ ТАНТАНАЛИ НИШОНЛАНДИ.

Мактаб ўқувчилари апрель ойида Тошкентда ўтказилган «Аждодлар мероси — келажак пойдевори» республика танловида фахрли ўринни эгаллади. Шунингдек, мазкур мактаб вилоятдаги «Энг намунали қишлоқ мактаби» деб топилди.

Тадбирда сўзга чиққан маҳалла фуқаролар йиғини раиси Наврўз Қораев, фахрий педагоглар Нейматилла Жумақулов, Раҳматулла Бобоев, ўқитувчилардан Ашурбиби Давлатова, Турсунтош Ортиқова мактаб ютуқларини эътироф этиб ўтдилар. «Ў.Қораев» фермер хўжалиги раҳбари Одилжон Аҳмедов 7 нафар аълочи ва жамоатчи ўқувчига пул мукофотларини топширди.

Бўри ФАРМОҶОВ, туман халқ таълими бўлими мудирини ўринбосари

ҲАР БИР МАШҒУЛОТЛАРНИ ЎЗГАЧА ТАРЗДА ОЛИБ БОРИШ ЎҚИТУВЧИДАН КАТТА МАҲОРАТ ТАЛАБ ҚИЛАДИ. БУНДА НОАНЪАНАВИЙ ВА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ДАРС САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Сурхондарё вилояти Сарийосиё туманидаги 60-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари ўқитувчиси Латофат Бердиева ўқувчиларнинг эътиборини тезда жалб қиладиган усуллардан фойдаланган ҳолда машғулотларни олиб бориши уларнинг қизиқишига сабаб бўлмоқда. Фидойий муаллимнинг узоқ йиллик тажрибалари ва тўплаган билими машғулотларнинг бир-бирига ўхшамаслигини таъминлаш билан бирга дарс сифатини ҳам ошираётир. Бундан ташқари, Л.Бердиева турли кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Ўтган йили «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичида фахрли 4-ўринни эгаллади.

Суратда: Латофат Бердиева тасвирий санъат машғулотлари жараёнида.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.





МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ

бунда етти ўлчаб, бир кесилади

Бугунги замонавий мактаб олдидаги энг муҳим масалалардан бири, давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг самарали ва оқилона тақсимланиши билан чамбарчас боғлиқ. Келажак авлод улғаядиган даргоҳда олдинга қўйилган вазифани урдалаш учун аввало, педагогик жамоанинг бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилиши талаб этилса, иккинчидан молиявий жиҳатдан мустаҳкамлик ҳам муҳим роль ўйнайди. **Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Мактаб таълимини ривожлантириш» лойиҳаси маҳаллий консультанти Жаҳонгир Абдусаматов билан уюштирган суҳбатимиз умумий ўрта таълим мактабларини молиялаштиришнинг янги тизимига ўтказиш мавзусига бағишланди.**

— Таълим муассасаларини молиялаштиришнинг янги тизими аввалгисидан қайси жиҳатлари билан фарқланади, қандай афзалликларга эга?

— Таълим тизимида унинг сифати ва самарасини ошириш билан бир қаторда, уни молиявий жиҳатдан пухта таъминлаш муаммолари ҳам ислохотлар мазмунини қамраб олади. «2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий Дастури»нинг қабул қилиниши туфайли таълим даргоҳлари ҳар томонлама — бино ичкараси, ташқариси ва моддий-техник базаси бутунлай замонавий қўришни касб этди. 2007 йил 26 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган, уни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳам белгиланди. Давлат бюджети тизимида газна ижроси механизмларининг жорий этилиши умумтаълим мактаблари харажатларини назорат қилиш жараёнини қулайлаштирди. Шу билан бир қаторда, ўқувчи сонига молиялаштириш механизмларининг жорий қилинаётгани умумий ўрта таълим тизимининг иқтисодий жиҳатлари ва молиявий муаммоларига бошқача ёндашувларни талаб этади.

Хўш, унинг афзалликларини нимада, деган савол туғилади. Бу — бюджет маблағларини самарали ва оқилона тақсимлаш, яъни «ўқувчи ортидан маблағ келади» тамойилини амалга ошириш, харажатларни режалаштиришни соддалаштириш, шу жараёнда ошқоралиқни таъминлаш, бир ўқувчига ажратиладиган маблағларнинг миқдорий тенглигига эришиш, бу борада мониторинг олиб бориш, баҳолаш имкониятини яратиш, ота-оналар томонидан таълим муассасасини ихтиёрий равишда танлашларига шарт-шароит туғдиришдан иборат.

Бугунги кунда кенг тармоқли таълим муассасалари нафақат аҳолига давлат томонидан кафолатланган таълим хизматларини тақдим этувчи ташкилот, балки ўзгарувчан бозор иқтисодиёти шароитида мустақил фаолият юритувчи иқтисодий субъект ҳамдир.

Бундан ўн бир йил илгари, яъни 1999 йилда халқаро ЮНЕСКО ташкилоти Австралия, Англия, АҚШ, Канада, Янги Зеландия каби мамлакатларнинг мактаблари мисолида меъёрий молиялаштириш тажрибасининг комплекс таҳлили натижаларини эълон қилган эди. Бу воқелик дунё миқёсида катта аҳамиятга эга бўлиб, таълимни бошқаришда «тўлиқ номарказлашган» ёндашувнинг шаклланишидан далолат беради.

Таълим хизматлари, бошқа бир қатор ижтимоий тармоқлар (масалан, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот) каби анча катта маблағ талаб қилувчи соҳалар қаторига кирар экан, бу юқори малакали меҳнат ресурслари билан бир қаторда мустаҳкам моддий-техник базани ҳам талаб қилади. Оддий тил билан айтганда, ўқувчи сонига молиялаштириш тизимида бюджет маблағларининг ҳар бир мактабга тақсимланганидан аниқ суммаси фақатгина шу даргоҳдаги мавжуд ўқувчилар сонига боғлиқ, яъни ҳар бир мактаб ҳар бир ўқувчиси учун бир хил суммадаги маблағни олади. Амалиётда бу формула мактабнинг **жойлашган ўрни, унинг тип**и каби омилларни ҳисобга олувчи махсус коэффициентлар асосида таққосланади.

Бир ўқувчига ўқув йили мобайнида кетадиган сарф-харажатни аниқ тақсимлаган ҳолда иш юритиш умумтаълим мактабларининг ҳар томонлама мустақиллигини таъминлайди.

— **Энг сўнги маълумотларга қараганда, яъни 2009—2010 ўқув йилида Ўзбекистон бўйича 9772 та умумий ўрта таълим мактаби ҳисобга олинган бўлиб, улар юридик шахс мақомига эгадир. Бир ўқувчига базавий меъёрий харажатларни ҳисоблашда қандай жиҳатлар эътиборга олинади?**

— Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, таълим тизимини давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш манбаларининг устунлиги ва бу сектордаги давлат муассасаларининг кўплиги билан тавсифланади. Чунончи, Германияда бир ўқувчининг таълим олиши учун кетадиган умумий харажатнинг 73 фоизи таълимни молиялашда давлатга тегишли манбалардан сарфланса, қолгани ота-оналар томонидан қопланади. Бу жиҳат Данияда 99 фоиз давлат ҳисобига, 1 фоизи эса ота-оналар зиммасига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида белгиланганидек, «Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир». Шундай экан, Ўзбекистон Республикасида давлатнинг таълим сиёсатини изчил амалга ошириш, уни молиявий жиҳатдан таъминлаш тўлиқ давлат ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қопланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бир ўқувчи базавий меъёрлар таркибига қуйидаги харажатлар ҳисоблаб киритилган: педагогик, маъму-

Qaror va ijro

рий, ўқув ёрдамчи ва хизматчи ходимлар иш ҳақи, Директор жамғармаси, ходимларни моддий рағбатлантириш, ягона ижтимоий тўлов бўйича харажатлар, шунингдек, таълим муассасаларини сақлаш (яъни, коммунал хизматлар, жорий таъмирлаш, товар моддий бойликларни сотиб олиш ва ҳ.к.) билан боғлиқ бошқа маблағлар. Шу билан бир қаторда, мактабнинг жуғрофик жойлашуви ва бошқа омиллардан келиб чиқиб, айрим харажатларда индивидуал эҳтиёжлар мавжудлиги инобатга олинади ва улар бир ўқувчи базавий меъёрлари ҳисобига киритилмаган харажатлардир, булар:

— кўмир сотиб олиш ва етказиш;

— «Ziyo-net» таълим тармоғига уланиш ва ундан фойдаланганлик учун ойлик абонент тўлови;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги 33-сонли «2002-2003 йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлаш дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, даврий нашрларга обуна бўлиш харажатлари;

— компьютер синфларига сервис хизмати кўрсатиш харажатлари;

— ўқув-лаборатория синфларини сақлаш харажатлари;

— барча турдаги коммунал хизматлардан фойдаланиш ҳисоблагичларини харид қилиш ва ўрнатиш;

— асосий воситаларни харид қилиш;

— капитал таъмирлаш. Мактабнинг ўқувчи сонига

молиялаштирилишида бир ўқувчига нисбатан ҳисобланган меъёрлар билан бир қаторда, мактаб бюджетини ҳисоблашга доир формула ҳам бирламчи аҳамиятга эга. Бу формула бир қатор омилларни — **мактабнинг хусусияти, жойлашиши, хизмат кўрсатилаётган контингентнинг ўзига хослигини**, бошқа устуворликларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиши керак.

— **Янги молиялаштириш тизимини жорий этиш босқичларига тўхталиб ўтсангиз.**

— Мактаб таълимини бошқариш ва молиялаштириш тизимидаги ислохотларнинг муҳимлиги ва зарурлигини чуқур англаган ҳолда 2005 йилда Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида тажрибавий лойиҳа амалга оширилди. Бундан кўзланган мақсад тумандаги таълим муассасалари даражасида зарурий бюджетни шакллантириш ҳамда ресурсларни бошқаришнинг муқобил механизмларини жорий этиш бўйича ўтказилган тажрибани таҳлил қилишдан иборат эди.

Халқаро ривожланиш бўйича АҚШ агентлигининг техник ва молиявий кўмағида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан амалга оширилган ушбу лойиҳа таълимни молиялаштириш соҳасидаги янги йўналиш бўлди. Халқ таълими ва Молия вазирликларининг 2005 йил 20 январдаги «Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги умумтаълим муассасаларида жон бошига қараб молиялаштириш усулини такомиллаштириш бўйича тажриба ўтказиш тўғрисида»ги 18/1-сонли қўшма қарори ушбу лойиҳага асос бўлиб хизмат қилди.

Тажриба лойиҳасига кўра, таълимни молиялаштириш сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар аниқланди: **географик ҳудудлар ва таълим муассасалари ўртасида ресурсларни тақсимлашда адолатни таъминлаш, муассасанинг қувватларини эмас, давлат томонидан кафолатланган таълим хизматларини режалаштириш ва молиялаштириш, муассасага ресурсларни бошқариш бўйича кўпроқ мустақиллик бериш.** Тажрибавий лойиҳа доирасида ресурсларни режалаштириш ва ишлатиш бўйича катта функцияларни мактабларга бериш орқали уларнинг бошқарув тизимидаги мустақиллигини ошириш кўзда тутилган эди. 2007 йилдан буён ўқувчи сонига молиялаштириш тизими Халқ таълими вазирлигининг «Мактаб таълимини ривожлантириш» лойиҳаси 4-компоненти доирасида амалга оширилмоқда.

Биринчи босқичда, яъни 2008 йилда республикамизнинг Бухоро, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида тажриба-синов тариқасида умумтаълим мактабларида ўқувчи сонига молиялаштириш тизими жорий этилди. Кейинчалик 2009 йилдан Наманган, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида ҳамда 2010 йилдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1245-сонли қарорига асосан, республикамизнинг барча умумтаълим мактаблари ҳам ушбу тизимга киритилди.


Ислохотлар тўлақонли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида вилоят ва туманлар миқёсида бир ўқувчи харажатларининг базавий меъёрларидан келиб чиққан ҳолда молиялаштириш механизмининг татбиқ этиш ва мактаб бюджетини ҳисоб-китоб қилиш бўйича ҳудудий молия органлари, умумтаълим мактаблари директорлари ва ҳисобчилари иштирокида ўқув-семинарлари ўтказилди.

Мактаб бюджетини шакллантиришда таълимнинг **босқичма-босқич базавий меъёрлари, таълимга жалб қилинган ўқувчиларнинг ўртача миқдори, мактаб масштаби коэффициенти, мактаб учун марказий иситиш тармоғининг мавжудлиги, кунги узайтирилган гуруҳларда бир ўқувчига кетадиган харажатнинг базавий меъёри, ушбу гуруҳга қатнаётган ўқувчиларнинг ўртача миқдори, уйда ўқиётган ўқувчилар билан ишлаш, мактаб-интернат шароитида ўқиётган болалар бўйича аниқ маълумотлар** тўпланиши лозим. Юқорида кўрсатиб ўтилган маълумотлар ва «формула» асосида мактаб бюджети ҳисобланиши ҳамда харажатлар сметасини шакллантириш кераклиги ўқув-семинари давомида мактаб директорлари ва ҳисобчиларига амалий мисоллар ёрдамида тушунтирилди.

Бугунги кунда тажрибалар умумлаштирилди, ҳулоса аниқ. Ўқувчи сонига молиялаштириш механизми мамлакатимиздаги таълим муассасаларининг маблағлардан оқилона фойдаланишида муҳим аҳамият касб эта бошлади. Бу жараёнга барча умумтаълим мактабларининг жалб қилиниши, шубҳасиз, мамлакатимиз иқтисодиётига катта самара келтириши аниқ.

— **Мазмунли ва қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур.**

Х.ТҶИМАНОВА
суҳбатлашди.



ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ: ЎҚУВ РЕЖА ТАСДИҚЛАНДИ

Таълим самарадорлиги, энг аввало, тайёргарлик сифатига боғлиқ. Шу боис ўқув муассасаларида бошлангач ёзги таътил — аслида, янги ўқув йили таратқудди мавсуми эканлиги билан ҳам масъулиятли давр ҳисобланиши бежиз эмас. Зотан, ўқувчининг мазкур пайтда тартибли ҳордиқ чиқариши қаторида кўшимча адабиётлар мутолааси ва касб-хунар сирларини ўрганиши ўқув мавсумида билимларни осон ўзлаштиришига асқотса, муаллимнинг ўқув режа ва дастурларини яна бир бор таҳлилдан ўтказиши самарадорлик омили бўлиши табиий.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Умумтаълим мактаблари учун 2010-2011 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи қабул қилинди. Мазкур расмий ҳужжат «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари ҳамда ҳукуматимизнинг қатор

Rasmiy bo'lim

тегишли қарорлари қаторида «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 473-сонли, «Олис аҳоли пунктларидаги умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларининг ўқишни давом эттиришларини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларининг бажарилишини ҳам таъминлашга хизмат қилади.

Шундан келиб чиқиб, мазкур буйруқ асосида Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларининг 2010-2011 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режаси ва уларга тушунтириш хати тасдиқланди.

Демак, янги ўқув йилида барча таълим муассасалари ушбу меъёрий ҳужжат билан ишлаши инobatта олинган ҳолда Республика таълим маркази ва халқ таълими ҳудудий бошқарув идораларининг ўзаро ҳамкорлигида ўқув режа ва унинг ижроси билан боғлиқ ҳужжатлар мазмун-моҳиятини педагогик жамоаларга кенг тушунтириш юзасидан ўқитувчиларнинг август кенгашлари ҳамда бевосита таълим муассасаларида ўқув-семинарлар ташкил этиш вазифаси топширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарларига ҳам бевосита тасдиқланган ўқув режа ва унинг тушунтириш хатида белгиланган вазифаларнинг ижросини 2010-2011 ўқув йили давомида умумтаълим мактабларида тўлиқ таъминлаши белгилаб кўйилди.

Халқ таълими ҳудудий бошқарув идоралари раҳбарлари ҳамда малака ошириш институтлари ректорлари, ҳудудий методика марказлари ва туман (шаҳар) методика кабинетлари раҳбарларига такомиллаштирилган ДТС асосида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ўқув дастурларини амалиётга жорий этиш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳисобга олган ҳолда зарур бўлган чораларни белгилаш, ижросини таъминлаш мақсадида тизимли мониторингни ташкил этиш ҳамда ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган чоралар тўғрисида маълумотларни ўқув йилининг ярим йилликлари якуни бўйича вазирликнинг Умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш ва ташкил этиш бош бошқармасига етказиб бориш топширилди.

Мазкур буйруқ қабул қилинганлиги муносабати билан вазирликнинг 2009 йил 1 апрелдаги «Умумтаълим мактаблари учун 2009-2010 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режани тасдиқлаш тўғрисида»ги 75-сонли буйруғи жорий йилнинг 1 июлидан ўз кучини йўқотган, деб ҳисобланиши алоҳида таъкидланди.

Халқ таълими вазирлигининг
2010 йил 17 майдаги 116-сонли буйруғига 1-илова

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактабларининг 2010-2011 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режаси (10-синфлар очилмаслигини инobatта олган ўқув режа)

Т\р	Ўқув фанлари	Синфлар											Хафталик умумий соат	Жами йиллик соатлар
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	11			
	Давлат ихтиёридаги соатлар	20	22	24	24	30	32	33	34	35	33	287	9738	
1.	Она тили ва адабиёт	8	8	10	10	9	7	5	5	4	4	71	2406	
2.	Ўзбек тили/рус тили		2	2	2	2	2	2	2	2	2	18	612	
3.	Хорижий тил					3	3	3	3	3	2	17	578	
4.	Тарих					2	2	3	3	3	3	16	544	
5.	Давлат ва ҳуқуқ асослари								1	1	1	3	102	
6.	Инсон ва жамият										1	1	34	
7.	Иқтисодий билим асослари									1	1	3	102	
8.	Математика	5	5	5	5	5	5	5	5	5	4	49	1661	
9.	Информатика									1	2	5	170	
10.	Физика, астрономия						2	2	2	2	4	12	408	
11.	Кимё							2	2	2	2	8	272	
12.	Биология					1	2	2	2	2	2	11	374	
13.	Табиёт ва география	1	1	1	1	1	2	2	2	2		13	441	
14.	Одобнома	1	1	1	1							4	134	
15.	Ватан туйғуси					1	1					2	68	
16.	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари								1	1	1	3	102	
17.	Муסיқа маданияти	1	1	1	1	1	1	1				7	237	
18.	Тасвирий санъат	1	1	1	1	1	1	1				7	237	
19.	Чизмачилик									1	1	2	68	
20.	Меҳнат	1	1	1	1	2	2	2	1	1	1	13	441	
21.	Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	20	678	
22.	Чақириққача ёшларни тайёрлаш										2	2	68	
	Мактаб ихтиёридаги соатлар	2	2	2	2	2	2	2	2	2	6	24	814	
	Умумий соатлар	22	24	26	26	32	34	35	36	37	39	311	10552	
	Амалий меҳнат машғулоти (кун ҳисобида)					6	6	10	16					

Халқ таълими вазирлигининг
2010 йил 17 майдаги 116-сонли буйруғига 2-илова

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактабларининг 2010-2011 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режаси (10-синфлар очилиши инobatта олинган ўқув режа)

Т\р	Ўқув фанлари	Синфлар											Хафталик умумий соат	Жами йиллик соатлар
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11		
	Давлат ихтиёридаги соатлар	20	22	24	24	30	32	33	34	35	33	33	320	10860
1.	Она тили ва адабиёт	8	8	10	10	9	7	5	5	5	4	4	75	2542
2.	Ўзбек тили/рус тили		2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	20	680
3.	Хорижий тил					3	3	3	3	3	2	2	19	646
4.	Тарих					2	2	3	3	3	3	3	19	646
5.	Давлат ва ҳуқуқ асослари								1	1	1	1	4	136
6.	Инсон ва жамият											1	1	34
7.	Иқтисодий билим асослари									1	1	1	4	136
8.	Математика	5	5	5	5	5	5	5	5	5	4	4	53	1797
9.	Информатика									1	2	2	7	238
10.	Физика, астрономия						2	2	2	2	4	4	16	544
11.	Кимё							2	2	2	2	2	10	340
12.	Биология					1	2	2	2	2	1	2	12	408
13.	Табиёт ва география	1	1	1	1	1	2	2	2	2	2		15	509
14.	Одобнома	1	1	1	1								4	135
15.	Ватан туйғуси					1	1						2	68
16.	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари								1	1	1		3	102
17.	Муסיқа маданияти	1	1	1	1	1	1	1					7	237
18.	Тасвирий санъат	1	1	1	1	1	1	1					7	237
19.	Чизмачилик									1	1		2	68
20.	Меҳнат	1	1	1	1	2	2	2	1	1	1	1	14	475
21.	Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	22	746
22.	Чақириққача ёшларни тайёрлаш										2	2	4	136
	Мактаб ихтиёридаги соатлар	2	2	2	2	2	2	2	2	2	6	6	30	1018
	Умумий соатлар	22	24	26	26	32	34	35	36	37	39	39	350	11878
	Амалий меҳнат машғулоти (кун ҳисобида)					6	6	10	16		20			



Халқ таълими вазирлигининг
2010 йил 17 майдаги 116-сонли буйруғига 3-илова

Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларининг 2010-2011 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режаларига ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги 203-сонли, 1999 йил 16 августдаги «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 390-сонли, 2003 йил 29 октябрдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги 473-сонли, 2004 йил 24 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 293-сонли қарорлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган «Санитария қоидалари ва меъёрлари» СанҚваМ (СанПиН) асосида тузилган.

Ўқув режа таркибан давлат ва мактаб компонентларидан иборатдир.

Давлат компонентига ажратилган фанлар Давлат таълим стандартлари асосида тузилган дастурларга биноан ўқитилади.

1. Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда рус тили фани, таълим ўзбек тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили фани ҳафтасига икки соат ҳисобида 2-синфдан бошлаб ўқитилади. Таълим қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб бориладиган мактабларда рус тили фани ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари хоҳишига қараб она тили ва адабиётдан II-IV синфларда 2 соатдан, V-XI синфларда хорижий тилдан 1 соатдан, она тили ва адабиётдан 1 соатдан олиниб, жами 2 соат ҳисобида 2-синфдан бошлаб ўқитилиши мумкин.

2. Тарих фани

7—11-синфларда:

«Жаҳон тарихи» фани 1-ярим йилликда ҳафтасига 2 соатдан, 2-ярим йилликда ҳафтасига 1 соатдан, синфлар кесимида жами 51 соатдан;

«Ўзбекистон тарихи» фани 1-ярим йилликда ҳафтасига 1 соатдан, 2-ярим йилликда ҳафтасига 2 соатдан, синфлар кесимида жами 51 соатдан ўқитилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Ф-1322-сонли фармойиши асосида I-IV синфларда «Конституция алифбоси» курси «Одобонома», «Ўқиш», «Табиатшунослик», «Атрофимиздаги олам» каби фанлар таркибидан ҳар бир синфда 10 соатдан ўқитилади;

V-VII синфларда «Конституция оламига саёҳат» курси 17 соатдан жами 51 соат ҳажмида мактаб компоненти ҳисобидан ўқитилади, бу машғулотлар мактаб дарс жадвалига киритилиши ва улар учун синф журналида алоҳида бет ажратилиши лозим. Ушбу курс махсус малака ошириш курсидан ўтган ўқитувчи томонидан ўтилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январдаги «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва Республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги Ф-1331-сонли фармойиши асосида X-XI синфларда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» курси мактаб компоненти ҳисобидан ҳар бир синфда ўқув йили давомида 17 соатдан ўқитилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий ишларни ва фаолиятни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 364-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Динлар тарихи» курсидан дастлабки умумий тушунчалар:

I-IV синфларда синфлар кесимида

17 соатдан, жами 68 соат «Одобонома», «Атрофимиздаги олам», «Ўқиш», «Меҳнат», «Табиатшунослик» фанлари ва тарбиявий соатлар таркибидан;

V синфда 17 соат «Тарих», «Адабиёт», «Ватан туйғуси» фанлари ва тарбиявий соатлар таркибидан;

VI синфда 17 соат «Тарих», «Адабиёт», «Ватан туйғуси» фанлари ва тарбиявий соатлар таркибидан;

VII синфда 17 соат «Тарих», «Адабиёт», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанлари ва тарбиявий соатлар таркибидан;

VIII синфда 17 соат «Тарих», «Адабиёт», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанлари ва тарбиявий соатлар таркибидан;

IX синфда «Дунё динлари тарихи» курси мактаб ихтиёридаги соатлардан ҳафтасига 1 соат ажратилиб ўқув йили давомида алоҳида тасдиқланган дастур асосида, «Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари» 14 соатлик курси «Жаҳон тарихи», «Ўзбекистон тарихи», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанларига ажратилган соатлар таркибидан ўқитилади.

6. «Иқтисодий билим асослари»:

I-IV синфларда «Иқтисод ва солиқ алифбоси» курсининг ўқув материаллари «Она тили», «Ўқиш», «Математика», «Атрофимиздаги олам», «Меҳнат» фанлари таркибидан, синфлар кесимида 10 соатдан жами 40 соат;

V-VII синфларда «Иқтисод ва солиқ сабоқлари» ўқув курслари «Математика», «Меҳнат», «Физика», «Конституция оламига саёҳат», «География», «Тарих», «Ватан туйғуси» фанлари таркибидан синфлар кесимида 17 соатдан жами 51 соат;

VIII-XI синфларда эса алоҳида фан сифатида ўқитилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 ноябрдаги 414-сонли қарорига биноан X-XI синфларда «Истеъмолчи ҳуқуқлари» махсус курси, Республика таълим маркази томонидан ишлаб чиқилган дастур ва тавсиялар асосида, мактаб ихтиёридаги соатлар ҳисобидан ўқув йили давомида 17 соатдан ўқитилади.

7. Халқ таълими вазирлигининг 2006 йил 3 августдаги «Умумий ўрта таълимнинг янги тахрирдаги Давлат таълим стандартлари, модернизация қилинган ўқув дастурлари тажрибасиновларининг иккинчи босқич натижалари ва уларни давом эттириш тўғрисида»ги буйруғига асосан информатика фани 5—7-синфларда мактаб ихтиёридаги соатлар ҳисобидан синфлар кесимида 0,5 соатдан, жами 51 соат ўқитилади.

8. Айрим фанларнинг чуқур ўқитилишига ихтисослаштирилган мактаб (синф)ларда ўқишларни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 173-сонли қарори билан тасдиқланган «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфлари, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари тўғрисида Низом» ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2008 йил 7 ноябрдаги 296-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест марказининг 2008 йил 7 ноябрдаги қўшма буйруқлари билан тасдиқланган фанларни чуқур ўқитиш бўйича намунавий ўқув режалари ва дастурлари асосида амалга оширилади.

Мазкур намунавий ўқув дастурлар асосида фанларни чуқур ўрганиш бўйича муаллифлик ўқув дастурларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги Республика таълим маркази билан келишган ҳолда мустақил ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш мумкин.

9. I-VIII синфларда «Йўл ҳаракати қоидалари»ни ўрганиш учун ҳар бир синфга мактаб компоненти ҳисобидан йилига 17 соатдан ажратилади.

I-IV синфларда бу дарслар бошланғич синф ўқитувчилари, V-VIII синфларда махсус курсдан ўтган ўқитувчи томонидан ўтилади. Бу машғулотлар мактаб дарс жадвалига киритилиши ва синф журналида алоҳида бет ажратилиб, ўқувчилар билими баҳоланиши шарт.

10. Умумий ўрта таълим мактабларининг 1—4-синфларида «Саломатлик дарслари», 5—9-синфларда «Соғлом авлод асослари», 10—11-синфларда «Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила» дарслари мактаб ихтиёридаги соатлардан фойдаланган ҳолда ҳар бир синфда йилига 17 соат Республика таълим маркази томонидан тасдиқланган ўқув режа ва дастури асосида ўқитилади. Дарсларни олий маълумотли, етарли билим ва малакага эга бўлган, махсус тайёргарликдан ўтган ўқитувчилар, биологлар ёки психологлар ўтишлари керак. Давра суҳбатларига мутахассис тиббий ходимларни таклиф қилиш тавсия этилади.

11. «Инсон ҳавфсизлиги асослари» машғулотлари I-IV синфларда жисмоний тарбия фани таркибидан 6 соатдан, V-VI синфларда «Ботаника», VII синфда «Зоология» ва VIII синфда «Кимё», «Физика», «Биология», «География», IX синфда «Миллий ғоя ва маънавият асослари», «Физика», «Биология», «Жисмоний тарбия» фанлари дастурлари таркибидан ва «Саломатлик дарсларида» синфлар кесимида 8 соатдан ўтилади.

12. Малакали ўқитувчиларга ва зарур шароитларга эга бўлган умумий ўрта таълим мактабларида, яъни шаҳар мактабларида синфдаги ўқувчиларнинг сони 25 ва ундан ортиқ, қишлоқ мактабларида синфдаги ўқувчилар сони 20 ва ундан ортиқ бўлган тақдирда қуйидаги фанларни ўқитишда синфлар икки гуруҳга бўлиб ўқитилади:

II-XI синфларда хорижий (инглиз, немис, француз ва бошқа) тиллар дарсларини ўтишда;

таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларнинг II-XI синфларида ўзбек тили дарсини ўтишда;

таълим рус тилида олиб борилмайдиган мактабларнинг II-XI синфларида рус тили дарсини ўтишда;

V-VII, VIII-XI синфларда «Информатика» фани дарсларини ўтишда;

VIII-XI синфларда жисмоний тарбия дарсларини ўтишда (ҳар бир гуруҳда

йигит ва қизлар саккизтадан кам бўлмаса).

Амалиётдаги давлат таълим стандартларига кўра (ЎЎДТС тўплами, 4-сон, 312-бет) умумий ўрта таълим мактабларининг 5—9-синфларида ўқувчилар сони шаҳар мактабларида 25 ва ундан ортиқ, қишлоқ мактабларида 20 ва ундан ортиқ бўлса, меҳнат таълими дарслари шу синфдаги ўқувчиларни икки гуруҳ (ўғил ва қиз болалар)га ажратган ҳолда алоҳида дастурлар асосида олиб борилади.

Мактаб компонентига ажратилган соатлар юқоридаги ёки айрим фанларни чуқурлаштириб ўқитиш мақсадида берилганда синфларнинг гуруҳларга бўлиб ўқитилиши маҳаллий молия органлари билан келишган ҳолда ҳал этилади.

13. Мактаб компонентига ажратилган соатлар факультатив ва ўқувчиларнинг қизиқишларига кўра ижодий қобилиятини ўстирувчи гуруҳ машғулотларига, ихтисослаштирилган таълимни ташкил қилишга ҳамда мазкур тушунтириш хатида белгиланган машғулотларга ажратилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик Кенгашининг 2003 йил 4 июндаги йиғилиши баёнининг 3-бандини бажариш мақсадида жисмоний тарбия фанидан дарс ўтиш учун спорт базалари мавжуд бўлган умумтаълим мактабларининг X-XI синфларида мактаб ихтиёридаги соатлардан бир соатдан давлат ихтиёридаги соатларга қўшимча равишда ўқитилади. V-IX синфларда ушбу машғулотлар спорт секциялари тарзида ўтказилади.

15. Таълим қорақалпоқ, рус, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман тилларида олиб бориладиган мактабларда мактаб кенгашининг қарорига биноан айрим фанлар ва курслар ўзбек тили (давлат тили)да ўқитилиши мумкин.

16. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг умумий ўрта таълим мактабларида таълим жараёнини ташкил этиш шароитларига қўйиладиган талаблари (СанПиН №0102-00) асосида ўқув йили биринчи синфда 33 ҳафта, II-XI синфларда 34 ҳафта белгиланган. Мактабда ўқув машғулотлари 2 сентябрдан бошланади ва барча синфларда 25 майда тугалланади. Ўқув йили мобайнида таътиллар: кузги таътил — 4 ноябрдан 6 кун; қишки таътил — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 22 декабрдаги ПФ-517-сонли Фармонида кўра, декабрь ойининг охириги 4 кун ва январь ойининг биринчи декадаси мобайнида, баҳорги таътил — 22 мартдан 10 кун; ёзги таътил — ўқув йили (имтиҳонлар) тугаган кундан бошлаб 31 августгача давом этади. 1-синф ўқувчилари учун февраль ойининг учинчи ҳафтасида бир ҳафталик таътил берилади.

17. Ўқув йили якунида V-VIII, X синф ўқувчиларининг меҳнат кўникмаларини шакллантириш ва касбга йўналтириш мақсадида махсус ишлаб чиқилган, ота-оналар ва маҳалла кўмиталари раислари билан келишилган, мактаб директори томонидан тасдиқланган жадвал асосида амалий меҳнат машғулотлари:

V-VI синфларда 6 кун 4 соатдан; — VII синфда 10 кун 4 соатдан;

VIII синфда 16 кун 4 соатдан; — X синфда 20 кун 6 соатдан бевосита мактабда, идора ва корхоналарда. Халқ таълими вазирлигининг 2003 йил 3 ноябрдаги 159-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Умумий ўрта таълим мактабларининг 5—8 ва 10-синфларида амалий меҳнат машғулотларини ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома»га қатъиян риоя қилган ҳолда ўтказилади.

18. Барча турдаги таълим муассасаларда мазкур ўқув режа давлат томонидан тўлиқ молиялаштирилади.



ЖАСОРАТ ВА МАРДЛИК


НАМУНАСИ

Юртимизда ташкил этилган ўч босқичли узлуксиз спорт мусобақалари жисмонан ва маънан баркамол авлодни вояга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан ўн йил илгари Наманган вилоятида илк тамал тоши қўйилган "Универсиада" спорт мусобақалари кўлаб умидли спортчиларнинг ҳам кашф этилишига замин яратди. Ёшлардаги ғалаба бўлган иштиёқ, рағбат ва юксак эътироф тобора чемпионлар сафининг кенгайиб боришига хизмат қилмоқда.

Ўтган мусобақаларга назар ташласак, университетимиз талабаларининг ҳам муносиб иштирок этганига ишонч ҳосил қиламиз. Бугун комил ишонч билан айтиш мумкинки, олий ўқув юртимизда спортга ошно тутинган иқтидорли талабалар кўпчилики ташкил этади. Уларнинг 2007 йили пойтахтимиз майдонларида бўлиб ўтган ёшлик ва матонат синовлари — "Универсиада" мусобақаларидаги муносиб иштироки ҳам фикримизни ёрқин ифодалайди. Ушбу мусобақанинг якуний босқичига йўл олган 56 нафар спортчи-талаба университетимиз ҳисобига 5та олтин, 4та

кумуш, 11та бронза, жами 20та медални тўхфа этдилар. Финал босқичида энгил атлетикачи Диана Плумаки уч ҳатлаб сакраш, баландлиқка сакраш беллашувларида олтин, эстафета (4x100 м) мусобақаларида эса бронза медалини қўлга киритди. Наталия Бессмертных ядро улоқтиришда олтин, Дмитрий Муртазин найза улоқтиришда кумуш, Андрей Бобирин тўсиқлардан сакраб югуришда (400 ва 110 метрларга) иккита бронза медални қўлга киритди. Шунингдек, спортнинг эстафета, сузиш, кураш, дзю-до, стол тенниси турларида ҳам талабаларимиз фаол иштирок этиб, мусоба-

қаларни ёруғ юз билан тамомлаган эдилар. Кувонарлиси, уч йил муқаддам ўтган талаба-ёшлар спорт фестивалининг саралаш мусобақаларига университетимизнинг қарийб барча талабалари қамраб олинган эди. Иккинчи босқичда спортнинг 12 тури бўйича 326 нафар талаба ғолиблик учун ўзаро дўстона рақобатга киришди. Бугунги йилги "Универсиада-2010" мусобақаларига тайёргарлик кўриш жараёнида та-



лабалар ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишиш билан бир қаторда жисмоний чиниқиб, товланиб бораётганини яна бир бор намоён этдилар.


И.ХУЖАМУРОДОВ,
Тошкент давлат Аграр университетининг
Маънавий ва маърифий ишлар бўйича проректори

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАМОАСИ

Ангижон шахрида бўлиб ўтаётган «Универсиада-2010» катта спорт байрами билан барча иштирокчиларни қизгин муборақбод этамиз!
Байрамона кайфият, ғалабага бўлган иштиёқ доимо ҳамроҳингиз бўлсин,
Келгусида озоғ ва обод юрт фарзандлари жаҳон миқёсидаги мусобақаларда Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилади, деган умиддамиз.

ОМАД ЁР БЎЛСИН, АЗИЗ ЁШЛАР!



Тошкент давлат аграр университетиде "Универсиада-2010" спорт мусобақаларига тайёргарлик жараёни қизгин руҳда кечди. Талабаларнинг ҳар томонлама ҳозирлик кўришлари учун 4та ёпиқ спорт зали, ёпиқ сув ҳавзаси, футбол майдони (102x70 метр), икки майдонли теннис корти ва ёзги спорт майдончалари улар ихтиёрида бўлди. Ғолиблик сирини куч, маҳорат, ирода ва сабр-тоқатни юксалтириб боришда деб билган спортчи-талабаларимиз бўлгуси мусобақаларга пухта тузилган режа асосида тайёргарлик кўрдилар.

Футбол бўйича финал мусобақаларида юқори натижаларни қайд этишни кўзлаган терма жамоа аъзолари ўқув машғулоти, ўртоқлик учрашувларида мунтазам равишда иштирок этди. Ўртоқлик учрашувларининг аҳамиятини тўғри баҳолаган мураббийлар қатор жамоалар билан беллашувлари юқори савияда ташкил этиш учун бор имкониятларини сафарбар қилдилар. Жумладан, Қибрай туманининг "Дўрмон", Тошкент шаҳрининг "Трамвайчи", Тошкент давлат педагогика университети ҳамда Чирчиқ шаҳри терма жамоалари билан ўзаро куч синашган футболчилар мусобақаларда товландилар. Спортчи-

ларнинг жисмонан ва руҳан баркамол бўлишларида уларга мураббийлик қилаётган Дилшод Абсатаровнинг ўрни беқиёс, албатта.

Баскетбол майдонларида олий ўқув даргоҳи шарафини ҳимоя қилишга бел боғлаган спортчилар куч ва маҳоратларини мусобақа олди беллашувлари, ўртоқлик учрашувлари ҳамда назоратсинов машғулотларида такомиллашти-

ҒОЛИБЛИК СИРИ

риб бордилар. Финал мусобақаларига тайёргарлик кўриш жараёнида Тошкент педиатрия институти жамоаси билан ўртоқлик учрашуви, Ўзбекистон Миллий университетиде ташкил этилган Тошкент шаҳар олий ўқув юртлари ўртасидаги мусобақалари катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу учрашув ва мусобақаларда жамоа вакиллари Шухрат Эрматов мураббийлиги остида муносиб иштирок этдилар.

Кўл тўпи спорти бўйича ҳам университет терма жамоаси тайёргарлик ишларини кўнгилдагидек ўтказди. Бўлиб ўтган турли беллашув, назорат-ўртоқлик учрашувларида терма жамоа таркиби университетнинг энг кучли гандболчилари билан тўлдирилди. Шундан сўнг Фахриддин Ботиров шогирдларининг Ўзбекистон Миллий университетида ташкил этилган Тошкент шаҳридаги олий ўқув даргоҳлари ўртасидаги мусобақада иштирок этиб, фахрли III ўринни эгаллагани улардаги ўзига бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.

Дзю-до, миллий ва белбоғли кураш бўйича Бекзод Бойкелдиев, Шер-

зод Чутбоев ҳамда Бахтиёр Менгликулов сингари моҳир спортчиларни чемпионлик сари етказган мураббийлар А.Абсатов, Ш.Келдиёров ҳамда М.Солиҳов улар қалбига спорт нафақат жисмоний баркамоллик, балки миллий ғурур, ифтихор ва масъулият намунаси эканини чуқур сингирмоқда. Университетнинг кураги ерга тегмаган полвонлари ҳалоллик, жасорат ва матонат на-

муналарини кўрсатмоқда. Улар юқорида эътироф этилган хислатларни бутун умр юракларида ардоқлаб, нафақат университетимиз, балки юртимиз шарафини ҳам муносиб ҳимоя қила олишларига ишончимиз комил.

УСТОЗЛАРДАН ЎРНАК ОЛИБ

Шунингдек, университет терма жамоалари теннис, стол тенниси, сузиш, энгил атлетика, шахмат турлари бўйича ҳам йўлланмани қўлга киритиб, тайёргарлик ишларини юқори савияда амалга оширдилар.

Чемпион шогирдларни тарбиялаб, юртимиз ва халқаро спорт ареналарида Ватанимиз байроғини баланд кўтаришга ундовчи устоз-мураббийлар университетимизда талайгина. Улар спортга иштиёқи юксак талабалардаги иқтидор учқунларини ўз вақтида кўра оладилар. Кураш бўйича спорт устаси, мураббий Шухрат Келдиёров ана шундай кўзга кўринган устозлардан. У Тошкент вилоят терма жамоасининг "Универсиада-2010" спорт мусобақаларидаги фаол иштирокини таъминлаш мақсадида университетда яратилган барча шарт-шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланди. Терма жамоанинг жисмоний тайёргарлигини юқори босқичга кўтариш

мақсадида кунига икки марта машғулотлар олиб борилди. Тайёргарлик доирасида бир қанча республика биринчиликлари ва халқаро турнирларда қатнашган жамоа аъзолари ушбу беллашувларда тажриба ва маҳоратларини яна бир қарра оширишга муваффақ бўлди.


Яна бир қувончли янгилик: 2009 йили терма жамоа таркибидеги талаба курашчиларнинг 3 нафари спорт устаси талабини бажарди.

ИШОНЧ ҒОЛИБЛИК САРИ ЕТАКЛАЙДИ

Спортнинг ёшлар, айниқса, талабалар ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти беқиёс. Жисмоний маданияти юксак инсонлар спорт билан мунтазам равишда шуғулланиш, машғулотларда чиниқиб, тажриба орттириш ҳамда турли беллашувларда ғолибликни қўлга киритиш саодатининг нақадар чексиз эканини яхши англайди. Университетимизда спортчилар ҳафтанинг 3 кунидеги техника ва тактика услубларини ўрганиш ва шахсий услублар устида ишлаш, икки кун давомида эса жисмоний тайёргарлик бора-сида маҳоратларини ошириб, спортчининг психологик, тезкорлик, эгилувчанлик сифатларини мустаҳкамлаш устида машғулотлар олиб борди. Шунингдек, "Универсиада-2010" спорт мусобақаларига тайёргарлик бўйича жорий йил 17-18 апрель кунлари республика ёшларининг "Талаба" уюшмаси томонидан университетимизда иштирок этадиган дзю-дочилар ўртасида мусобақалар ташкил этилди. Мазкур мусобақа университет фахр-ифтихори саналмиш дзю-дочиларнинг қай даражада ҳозирлик кўрганини яққол намоён этди.

Аслида, университетимизда қатнашиш, турли вилоятлардан кўлаб дўст орттиришининг ўзи катта шараф. Аммо мардлар куч синашадиган майдонга фақат ғолиблик учун чиқилади. Шундай экан, юрагида ўти, билагада кучи бор барча спортчиларга омад ва зафарлар ёр бўлишини тилаймиз.







«МАХАМ ШИРСИҚ» ОАЖ

меҳнат жамоаси

«Универсиада-2010» спорт мусобақалари қатнашчилари ва меҳмонларини самимий қутлайди! Оммавий спортни ривожлантиришга, Ўзбекистон келажаги бўлган баркамол авлодни тарбиялашга беқиёс ҳисса қўшаётган «Универсиада» мусобақалари йил сайин мукаммал ва беқиёс бўлиб бормоқда. Ушбу беллашувларда барча талаба-ёшларга улкан муваффақиятлар тилаймиз!





АКУЧИЙ АТТЕСТАЦИЯ — ЎҚУВ ЙИЛИГА БАҲО

Мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида ўқув йили поёнига етиб, «Сўнги кўнгирак» садолари янгради. Айнан бу давр ўқувчилар учун муҳим синов палласи экани билан ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Ўқувчилар фанлардан йил давомида эгаллаган билимларини яна бир бор синовдан ўтказдилар.

Фаргона шаҳридаги 10-мактабда ҳам якуний аттестациялар ва босқичли назорат имтиҳонларини юқори савияда ўтказишга пухта ҳозирлик кўрилди. Бу борада мактабнинг махсус буйруғи чиқарилиб, имтиҳонлар жадвали, режаси ва масъул ўқитувчимураббийлар рўйхати тайёрланди. Айни пайтда белгиланган жадвал асосида тайёргарлик машғулоти олиб борилмоқда.

Шу кунгача мактабнинг битирувчи 9-синфларида жисмоний тарбия фанидан синовлар ўтказилди. 4та 9-синфда таълим олаётган 182 нафар ўқувчининг 120 нафари синовларни «аъло» баҳоларга, 55 нафари эса «яхши» баҳоларга топширишга эришдилар. Умумий ҳолатда ўқувчиларнинг билим сифати 98,2 фоизни, самарадорлиги эса 93 фоизни ташкил этди.

Ўтган ўқув йилида мактабни 167 нафар ўқувчи битирган бўлса, шулардан 62 фоиз ўқувчи синовларни 5 баҳога, 35 фоиз ўқувчи эса 4 баҳога топширишга эришган эди. Билим сифати эса 93 фоизни ташкил этганди.

Рақамлардан кўриниб турибдики, жорий йилда билим сифати 5 фоиз ўсишига эришилди. Бу ютуқларда мактаб спорт залида барча зарур шaroитлар яратилгани ҳамда жисмоний тарбия ўқитувчилари Бобомурод Эргашев ва Солижон Сотинбоевнинг меҳнати катта бўлганини таъкидлаш жоиздир.

Баҳодиржон ШОКИРОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

Шовот туманидаги «Уста Матсафо» фермер хўжалиги ёшлар камолотига ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида ўзига хос ташаббус билан чиқди. Халқ депутатлари туман кенгаши депутати, Бешмерган қишлоқ фуқаролар йиғини фер-

мақсадида стипендия таъсис қилинди. Мазкур стипендия ҳар чорак якунларига биноан, 2 нафар юқори ва 2 нафар бошланғич синф ўқувчисига мактаб педагогик кенгаши қарори билан берилди. Ҳар йили 16 нафар ўқувчи ушбу

ФЕРМЕР СТИПЕНДИЯ БЕРАДИ

мерлар касабга уюшмаси ташкилоти раиси, «Шухрат» медали соҳиби Шухрат Ўдабоев ўзи таълим олган 33-мактаб ва «Шодлик» болалар боғчасига моддий-маънавий кўмак беришни ўзига бурч деб билди. Эндиликда бу даргоҳлар мунтазам равишда сут маҳсулотлари билан таъминланмоқда. 33-мактабда бугун 463 ўқувчига 56 нафар фидойи ўқитувчи сабоқ бермоқда. Шухрат Ўдабоев ташаббуси билан 2007-2008 ўқув йилидан бошлаб кам таъминланган оилалар фарзандларини рағбатлантириш

стипендия билан тақдирланади. Ўтган давр мобайнида стипендияга сазовор бўлган ўқувчилар сони 50 нафардан ошди.

— Неварам Иқболлой Нормухамедова уч марта стипендия соҳиби бўлди, — дейди ота-оналар вакили Саломат Курбонова. — Ундаги интилишни кўриб, эътибор ва рағбат фарзандларимизга нақадар катта ишонч беришига яна бир қарра амин бўлдим.

Шерзод Матсапов, Жасур Раҳмонберганов, Бобур Курбонбоев, Махлиё Курбонбоева каби стипен-

Saxovat

диатлар фанларни чуқур ўзлаштириш билан бир қаторда жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб, сти-

пендияни қўлдан бой бермаслик учун ҳаракат қилдилар.

Мақтабда туман халқ таълими бўлими томонидан оила, маҳалла, мактаб, жамоатчилик ҳамкорлигига бағишланган семинар ўтказилиб, унга ташриф буюрган мактаб раҳбарлари, васийлик кенгашлари раислари Шухрат Ўдабоевга самимий миннатдорчилик билдирди.

Фермер 25 май куни яна саккиз нафар ўқувчига стипендия ва махсус гувоҳномалар топширди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА

1-iyun — Xalqaro bolalarni himoya qilish kuni

БОЛАЛАРИМИЗ ЭЪЗОЗДА

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини нишонлашга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошидаги профилли меҳнат таълимига ихтисослашган республика умумтаълим мактаби ўқувчилари катта тайёргарлик кўришади. Тажрибали бошланғич синф ўқитувчиси Раъно Қамбарова «Болалар оламига саёҳат» деб номланган очиқ дарс ва тадбири орқали ҳар йили ёшларни бу «олам»нинг ўзларига-да сирли бўлган «манзиллари» билан таништиришни қанда қилмайди.

Таълим муассасидаги «Ёш ўқитувчилар мактаби» раҳбари Раъно Қамбарова фаолиятидаги яна бир ўзига хос жиҳат ёзги таътил даврида ҳам ўқувчиларининг деярли барчасини мактабга жалб эта олишида кўзга ташланади. Тажрибали муаллиманиннинг доимий изланишлари ўқувчиларининг мунтазам равишда шаҳар ва республика кўрик-танловларида голибликни қўлга киритишида ҳам самарасини кўрсатмоқда. У таълим берган ўқувчилардан 3 нафари — Артём Прохоров, Александр Ларионов,

Диана Инь 2008-2009 ўқув йилида фан олимпиадасининг шаҳар босқичида 1, 2, 3-ўринларни қўлга киритгани ҳам юқоридаги фикрларни асослайди.

«Болалар оламига саёҳат» тадбирида эса ўқувчиларнинг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни борасидаги билимларини намойиш этиши барча иштирокчиларни ҳайратга солди, десак хато бўлмайди. Ёз давомида олиб бориладиган тўгарак машғулотида болаларнинг ушбу Конвенция ва қонунлар моддалари уйғун равишда безакларида акс этадиган турли каштачилик ва дурадгорлик намуналарини ясамоқчи экани ўқитувчининг яна бир ўзига хос тажрибаси ҳамда ноанъанавий ёндашувидан дарак беради.

Бахтиёр ЁҚУБОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ 2010-2011 ЎҚУВ ЙИЛИДА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ УЧУН ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ ЖУРНАЛИ ВА РЕЙТИНГ ДАФТАРЧАЛАРИНИ ХАРИД ЭТИШ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТЕНДЕР САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

№: ЎМКХТМ-ЎМЖ-РД 05/2010

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 456-сонли қарори талаблари асосида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази 2010-2011 ўқув йилида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув машғулоти журнали ва рейтинг дафтарчаларини тендер савдолари (кейинги ўринларда — Тендер) ўтказиш орқали харид қилади.

Тендер ўқув машғулоти журнали ва рейтинг дафтарчаларини арзон ва сифатли ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган юридик шахслар, жумладан, кичик бизнес субъектлари — мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган корхоналар иштирокида очиқ кўринишда ўтказилади.

Тендер бошлангунга қадар Тендер комиссияси томонидан тендерда иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар малакали танловдан ўтказилади. Шунинг учун Талабгорлар тендер комиссиясининг Ишчи органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

Талабгорнинг банкротлик ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси томонидан берилган маълумотнома;

Талабгорнинг қайта ташкил этиш ёки тугатилиш ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи давлат рўйхатга олиш идорасидан маълумотнома;

Талабгорнинг юридик шахс эканлиги тўғрисида давлат рўйхатга олиш идоралари томонидан берилган гувоҳноманиннг нотариал идоралар томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаси;

Талабгорнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган давлат солиқ инспекцияси маълумотномасининг асл нусхаси;

эълон берилган даврда Талабгорнинг картотекаси бўйича (К-2) асосий ва иккиланччи ҳисоб рақамида қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида банкнинг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган маълумотномасининг асл нусхаси.

Қуйидаги юридик шахслар тендерда иштирок этиш учун қўйилмайди: қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик жараёнида бўлган; малакали танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;

илгари Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур даражада бажармаган;

Тендер эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган;

лотлар (маҳсулотлар) бўйича ўз ишлаб чиқариш корхонасига эга бўлмаган;

тижорат ва молия кўрсаткичлари бўйича Тендер талабларига жавоб бермайдиган ташкилотлар ва фирмалар.

Малакали танловни ўтказиш Тендер таклифларини қабул қилишнинг охириги санасидан бошлаб 5 кун муддат ичида амалга оширилади.

Тендер комиссиясининг кўрсатмаси асосида ишчи орган ишлаб чиқариш жойлари, технологик ускуналарнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш қуввати, хомашё ва материалларнинг захиралари ва бошқаларни шахсан ўрганиш ҳуқуқига эга.

Талабгорлар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказидан қўшимча маълумот олишлари мумкин. Маълумотларни олиш учун талабгорлар тендер таклифлари топширишнинг охириги кунига қадар ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 9:00 дан 18:00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Таълим стандартлари ва ўқув адабиётларни такомиллаштириш бошқармасига
Манзил: Тошкент шаҳри, Чимбой кўчаси, 96-уй.
Телефон: (+998 71) 246-27-11, 246-14-87, 246-14-91.


Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг қуйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига 300 000 (уч юз минг) сўм миқдоридagi қайтарилмайдиган тўлов пул ўтказиш йўли билан ўтказилгандан сўнг юқорида кўрсатилган манзилдан Тендер ҳужжатлари олинади:

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази
№:4999102628095002890002, СТИР: 202515618
Ўзбекистон Республикаси МВ газначилиги ХККМ Марказий банк
Бош бошқармаси Тошкент шаҳар
Х/Р 23402000400100001006 СТИР: 201122919 МФО: 00014

2010 йил 5 майда эълон қилинган тендерда иштирок этган талабгорлар бундан мустасно.

Тендер таклифи умумий қийматининг 2 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги зақалат билан таклиф кафолатлини шарт. Зақалат суммаси ҳар бир лотлар (маҳсулотлар) учун алоҳида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг юқоридаги махсус рақамига ўтказилиши керак.

Тендер таклифлари 2010 йил 7 июнь соат 12:00 га қадар Таълим стандартлари ва ўқув адабиётларни такомиллаштириш бошқармасига топширилиши шарт.



«Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi»

Педагог бир соатлик дарсини шунчаки ўта олмайди. Баъзан ота-она ва ўқувчиси ўртасидаги кўприкка айланади у. Мактаб бошқарувида иштирок этишдан тортиб, ёш ҳамкасбининг қийинчиликларни бартараф этишгача дахлдор сезади ўзини.

«Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичи голиби, Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 240-мактабнинг география фани ўқитувчиси Шаҳноза Муҳаммедова фаолиятининг айрим ўзига хос жиҳатлари хусусида тўхталмоқчимизки, улар таълим-тарбия жараёнида муҳим ўрин тутиши тажрибаларда ўз ифодасини топган.

Тўққизинчи синф ўқувчилари айна даврдан ўз келажакларини тўлиқ тасаввур қилган ҳолда аниқ ихтисослик бўйича билим ва касб-хунар ўрганишга тайёр бўлишлари керак. Зотан, шу нуқтада ўз хоҳиш (қизиқиш)ларига кўра таълимнинг навбатдаги босқичини танлашлари керак бўлади. Шаҳноза ана шундай синфлардан бирига раҳбар. Шогирдлари умр йўлларининг айнан шу бекатида тўғри хулоса чиқаришига у ҳам дахлдор. Шу боис бу масалани обдон ўрганди. Ўқувчиларидан бирининг «Ким бўлсам экан?»

мирийўлчилар, пўлат эритувчилар орасидан Ўзбекистон Қаҳрамонлари даражасидаги инсонлар етишиб чиққанини улар билишмайди ёки билишни исташмайди.

Шундай нуқтада агар педагог ўқувчи ёнида туриб, уни руҳан тушунмаса, бир томондан таълимнинг кейинги босқичларидаги муассасалар меҳнати бесамар кетиши, бир жиҳатдан йигит-қизнинг умридалик баъзи йиллар елга совурилмоғи мумкин. Ахир, дипломини сандиққа солиб, ўзи киракашлик қилиб юрган ёки бошқа елиб-югуришлари билан тирикчилигини тебратает-

онгига қай даражада салбий таъсир этишини ўрганиб, масаланинг тезроқ ечимини топишга қарор қилди. Турли манбалардан унинг зарари ҳақидаги маълумотларни йигди. Бир соатлик тарбиявий соат ана шу мавзуга бағишланди. Айна одатнинг зарари таҳлил қилинган фильм намоиш этилгач, ўқувчиларининг муносабатини сўради. Мутахассисларнинг қайдлари такрор-такрор ўқилди. Шаҳноза гап орасида айнан ўша «ишқибоз»ларга мурожаат қилар, болалар бир-бирини турткилашганча, ер чизиб ўтиришарди...

— Кўрдингизми, инсон ана шу ўйинлар, фильмлар комига тушиб қолиши натижасида ўзи билиб-билмай онгининг заҳарланиши, саломатлигининг йўқолишига сабабчи бўлиб қолар экан. Агар шу фурсат давомида фойдали меҳнат билан шуғуллансангиз, дейлик, ота-онангиз ишдан келгунича ўйни йиғиштириб,

синфлар билан «таништириб» чиқаман. У шундай деганча таҳлиллар дафтарини олди ва ёш ўқитувчи дарсга кирадиган ҳар бир синфга тавсиф бериб чиқди. Синф ўқувчиларининг ўзаро муносабатлари, интеллектуал имкониятлари, психологик хусусиятлари, муаммолари, ўзлаштириш даражалари, хуллас, ҳеч бир жиҳатни эътиборидан четда қолдирмасликка ҳаракат қилди.

— Сиз ҳар бир синф ҳақида шундай маълумотга эгамисиз? — деди кикирлари намини сидирганча қиз калаванинг учини топгандек ҳайратланиб. Энди унда пайдо бўлаётган ўзига ишонч бояги шаштидан қайтарганди.

— Албатта-да, ҳатто ҳар бир ўқитувчи ҳақида ҳам ана шундай далилларим бор. Сиз синфнинг интеллектуал имкониятларини ҳисобга олмасангиз, кўзлаган натижангизга эриша олмайсиз. Дейлик, қабул қилиш кўникмалари суст болага мавзуну мураккаблаш-

батда бўласан, шундай эмасми?» дея гапга тутдим. У кизарганча ер чизар, ана шу икромнинг ўзи руҳиятига таъсир эта олганимни англатиб турарди.

«География ва психологик таъсир» — муаллима бу ҳақда кўп ўйлади. Уни амалиётга татбиқ этиш йўлларини топди. Бугун эса у мактабнинг энг фидойи ўқитувчиларидан. Шаҳнозани сеvimли устоз сифатида қадрлайдилар.

...Олис сафардан қайтган сайёҳ ёнидаги йўлдошига сўз қотади: йўл юрдим, йўл юрсам ҳам мўл юрдим. Бир жойга борганимда ҳориганимдан кўзимни уйку элитибди. Уйғониб кетсам ярим тун. Осмонга қараб ўзимизнинг «катта айиқ», «кичик айиқ» дея аталувчи юлдузлар туркумини топа олмадим. Болажонлар сиз билмайсизми мен қайси мамлакатларга бориб қолганман?! — Сиз Жанубий ярим шар-

ПЕДАГОГ СУРАТИГА ЧИЗГИЛАР

деган савол қаршисидаги иккиланишлари эса уни ўйлантириб қўйди. «Ахир, боланинг ҳеч қайси соҳага лаёқати бўлмаслиги мумкин эмас-ку?»

Синф тарбиявий соатларида уюштирган суҳбатлари бу мавзудан керагича ойдинлаштира олмади. Ўтказилган сўровномаларга бола бефарқина жавоб берар, бу ҳолат Шаҳнозадаги таажубни янада оширарди. Охири, у ўқувчисининг уйига боришга, унинг ота-боболари қандай касб-хунар билан шуғулланганини аниқлаб, боладаги, эҳтимол, наслига боғлиқ яширин интилиш ва имкониятларни кашф этишга аҳд қилди...

Эринмай қилинган ҳаракатлар, уринишлари беҳуда кетмади. Ўқувчисида ҳақиқатан ҳам бобоси бир умр ардоқлаб, шунинг ортидан элда хурматизат топган хунарга кучли қизиқиш ва қобиллик бўлгану, ундаги лаёқатни ҳеч ким «кўрмаган» ва қувватламаган. Болалигидан ўзи англаб, англамай қилган уринишлари катталарнинг тазйиқига учраган. «Сенинг ўқиб, бир столнинг эгаси бўлишингни истаймиз!» қабилидаги болага қўйилган «талаб»ларни у қабул қилолмай, аросатда ўзини-ўзи «йўқотган»...

— Ота-онасининг касб танлаш борасида бола фикрини тингламаслиги, уни тўғри йўналтира олмаслиги аксарият ҳолларда фарзандларининг икки йўл ўртасида қолишига сабаб бўлади, — дейди Шаҳноза. — Шу боис ҳам бугун баъзи тўққизинчи синф ўқувчиларининг дадил, қатъият билан маълум бир соҳа этагини тутиш хусусида хулоса чиқариши масаласи муаммолар тугдираяпти. Айримлар ўғли ёки қизининг касб танлаши борасидаги ўю хаёллари, ҳаракатларига шунчаки бир уриниш сифатида қарайди. Боласининг фалон академик лицейга кириши улар учун фахр. Радиотехника ёки алоқа коллежларида хунар ўрганишни ихтиёр этиши эса обрўсига пўтур етказаетгандек. Оддийгина те-

ганлар орамизда йўқ эмас-ку? «Эссиз, боламга йилига фалон сўм шартнома пули тўлаб ўқитгандим!» дегувчи овозлар бизга бегонами?! Шундай экан, фарзандимиз, ўқувчимиз тўғри касб танлашига кўмаклашайлик. Сўнгги қарорни унинг ўзи чиқаришига қўйиб берайлик.

Ҳамкасбларининг «Фалончи, фалончи ўқувчиларингиз дарсимга кирмаяпти...» деган мурожаатлари Шаҳнозани синф раҳбари сифатида ташвишга сола бошлади. Билдики, шу вақтда улар уйларига ҳам бораётганлари йўқ. Эринмай уларнинг орқасидан кузатишга киришди. «Миш-миш»лар рост чиққан, уч-тўрт жўра интернет кафелардан бирининг доимий «мижоз»га айланишганди. «Хўш, улар компьютердан қандай «билим»лар ўрганишмаяпти? Қандай ўйинлар ўйнашмаяпти?» каби саволларга жавоб топиш учун у вақтини топиб уларнинг «макони»га кирди. Худди мижоздек ўтириб, компьютердаги ур-сур фильмлару, зўравонлик, рақибини «ўлдириб» роҳатланишга йўналтирилган ўйинларни кузатди. У бу оламга яқинроқ боргани сари юраги уюшиб кетар, бу манзаралар ўсмирларнинг дунёсига қанчалар салбий таъсир этишини тасаввур этгани сари хавотири ошарди. Шу қўйи бир эмас, бир нечта ана шундай клублар эшигини қоқди.

Тўғри, ҳамма жойда ҳам аҳвол бир хил эмас. Аксарият интернет клубларда йиғилганлар компьютерларнинг имкониятларидан онгли равишда, ижобий фойдаланишмоқда. Лекин ораларида унинг ўқувчиларидек қўйга тушганлар ҳам йўқ эмас. Ўйлаб ўйига етолмайди: болаларнинг клубларга боришини тақиқлаш билан мақсадга эришиб бўлмайди. Ота-оналарига шикоят қилиш, йиғилишлар ўтказиш билан уларни бу таъсирлардан «қутқариш» мушкул. Охири у мана шундай ваҳшийликлар асосига қурилган фильмларнинг оқибати инсон

локал чой дамлаб қўйсангиз улар қанчалар хурсанд бўлишарди, — деди Шаҳноза мавзуга яқун ясар экан. — Сизларнинг тўғри хулоса чиқаришингизга ишонаман...

Орадан бирор ҳафта ўтгач, ўқувчиларининг «Устоз, бизни кечиринг, энди бу ҳолат қайтарилмайди...», дея мамнун жилмайишлари уни суюнтириб юборди. Чунки муаллима шогирдларини ўша ёт оламдан узоқлаштира олган эди.

Яқинда бир олам орзу ниятлар билан иш бошлаган ёш ҳамкасбининг кўнғироқ чалиниши билан синфдан «пиқ-пиқ» йиғлаб чиқиб, ўқитувчилар хонаси томон югуриб кетиши эндигина таълим муассасаси директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари вазифасига тайинланган Шаҳнозани аввалига шошириб қўйди. «Наҳотки, бу ҳам ишдан кетиб қолса?», деган фикр хаёлидан ўтди-ю, муаллимининг ортидан қадамни тезлатди. Негаки, ўтган йиллар давомида институтни тугатиб, мактабларига ишга келган икки-уч нафар ўқитувчи болалар билан «келиша» олмай касбларини ўзгартиришган, лекин бу қизнинг истеъдоди, ҳар бир юмушга ижодий ёндашиши Шаҳнозада яхши таассурот қолдирганди. Аммо ҳозиргина дуч келган воқеа...

— Олажон, дарсга қизиқмайдиغانларини-ку айтманг, ҳатто мактабда аълочи дея тан олинганлари ҳам умуман мени эшитишмайди. Ўзимча жаврадим, савол берсам, ҳиринглаб қулишарди, — деди ҳамкасабаси ўзини босолмай кўз ёшларини артганча, унинг таажубланиб юзланаётганига жавобан. — Яхшиси, аризамни ёза қолай!

— Ариза ёзиш қочмас. Сиз билан бизни кичкинагина мағлубиятга дош беролмай қочиш учун ўқитганми давлат, — қизнинг ҳовурини босишга уринди Шаҳноза. — Сиздан жуда зўр мураббий чиқади, ҳали мени айтди, дейсиз. Ҳозир эса ўтиринг. Мен сизни ҳамма



тириб тушунтирсангиз, ҳеч нарса ололмайди. Билағони эса содда ва оддий тушунчалардан қониқмайди. Кўрдингизми, уларнинг ҳар бири бир дунё. Биз таълимни ана шуни унутмаган ҳолда олиб бормогимиз керак. Аввало, ўқувчингиз фанингизни қай даражада билади, шуни аниқлаб олинг. Фейл-атворларини ўрганинг. Яқинда бир онахон ўғлининг оилада ҳамма билан ўта кўпол муомалада бўлишини айтиб, мендан ёрдам сўраб келди. Шу қуни унинг синфига «Япония» мавзусини ўтишим керак эди. Сабоқни бошлашдан олдин олдимга иккита мақсадни қатъий белгилаб қўйдим: болаларга мавзу доирасида атрафлича билим бериш ва японларнинг миллий қадриятлари, ўзаро муносабатлари, ота-онага эҳтиромини кўрсата олган ҳолда, жумладан, шу ўқувчимни «ўзгартириш». Олдиндан тайёрланган слайдлар орқали японларнинг саломлашиш, хайрлашиш, ота-оналарининг кўзларига тик боқолмай ниманидир илтимос қилиши ҳолатларини кўрсатар эканман, айнан ўша ўқувчимни турғизиб фикрини билдиришини сўраб, «Албатта, сен ота-боболаримизга хос равишда уйингдагилар билан бундан ҳам чиройли муноса-

да жойлашган Австралияда бўлгансиз. Ер думалоқ бўлгани боис ҳам сиз у ерда бизнинг шимолий ярим шарнинг осмонида кўринадиган юлдузлар туркумини топа олмагансиз.

Ҳа, география кўргазмалилик билангина ўқувчи шуурига тўлақонли етказилиши мумкин бўлган фан. Шаҳноза бунини билади. Шу боис, ҳар дарсида, албатта, бу усулнинг қайси-қайси кўринишидан фойдаланади. «Дунё кезаётган сайёҳ» эса унинг ўзи режисёрлигида яратган қаҳрамон. Сайёҳ ролини ҳамкасбларидан бири ижро этади. Кутубхоначиси камераси орқали тасвирга олади. Монтажлар қилишарди. Сайёҳ эса тоғу тошлар, дарёлар кезиб ўқувчиларни географиянинг сирли олами билан таништиради. Кадрлар гоҳ телевизор, гоҳ компьютер орқали кўрсатилиб, болаларнинг фанга бўлган қизиқишлари ортишига хизмат қилаверади. У сабоқлари давомида шу каби жуда кўп синалган ва синалмаган усуллардан фойдаланади. Энг асосийси эса, ўқувчилари дарсларини соғиниб кутади, севиб иштирок этади, пухта ўзлаштиради.

Ойбуви ОЧИЛОВА

Одам дунёга бир марта келади. Инсон ана шу қисқа умрини (одам қанча узоқ яшаса ҳам, у, барибир, қисқа!) муносиб — инсондек яшаб ўтиши керак. Аслида, миллат юраги тоза, мард, холлис, меҳнаткаш ва ҳалол фарзандлари билан миллат! Улар миллатнинг, Ватаннинг устунлари, суянч тоғларидир. «Ma'rifat» да янги: «Умр — сабоқ» рукнини очар эканмиз, биз газетамиз саҳифаларида халқнинг энг яхши хислатларини ўзида мужассам этган, азиз умрини ҳалол яшаб, ҳаёти кўпга сабоқ бўладиган инсонлар ва уларнинг ишлари ҳақида сўз юритишни ният қилдик.

Умидли ёш журналист Элмурод Нишоннинг ҳикояси ана шундай сирдан қараганда оддий, бироқ қалби эзгуликларга бой бир Инсон ҳақида. Бу инсоннинг ҳаёти кўпларга ибрат, сабоқ бўлиши мумкин.

«Ma'rifat» «Умр — сабоқ» рукнида ҳаёти мазмунли ўтган ва ўтаётган турфа касб эгалари тўғрисидаги мароқли ёзилган бадиий очерк, лавҳа ва мақолаларни мунтазам равишда ёритиб боради.

М.САЪДИЙ

Yangi rukn: Umr — saboq

Узоқроқдан, масалан, Қизилкарвон ўртасидан ўтган Самарқанд — Қарши йўлидан қарасангиз, Меҳнаткаш чоғроқина қишлоқ бўлиб кўринадилар. Кўпинча ям-яшил, бўстондек яшнаб туришидан, у тоғ этагига қадалган зумрадга ўхшайди. Қарши йўли билан тоғ бағрини боғловчи, бир пайтлари асфальт ётқизилган ярим тошлоқ йўлдан юқорилар экансиз, тасаввурингиздаги қишлоқча кўз ўнгингизда улкан, сафоли боққа айланиб боради...

Опам ва жиянларим шу ерда яшаётгани учунми, бу қишлоқ ҳам кўнгилга яқин бўлиб кетган. Шу боис, Самарқандга борсам, Қизилкарвондан кейинги борар жойим, албатта, Меҳнаткаш бўлади. Бу гал ҳам ота юртга сафар йўналишимни ўзгартирмадим...

Жиян билан айланиб юриб, гурунгимиз у эккан олма кўчатлари тўғрисида кеча бошлади.

— Э-э, тоға, буларни нимагадир кўкартиролмаёяпман. Отам эккан тўрт-беш тупнинг меваси егуликдан ортмайди, — дейди у. — Одамлар пишиқчиликда қиши дон-дуини шу олма даромадидан қилиб олади. Ўттиз-қирқ туп дарахти борларга ҳавасим келади-да...

— Одамлар қирқ тупни парвариш қилганда, сен йигирматасига қараёлмайсанми? — дея бироз қитиғига теккан бўламан жияннинг.

— Қарайман, лекин, тўғриси айтсам, Аҳмад бободай қараёлмайман-да, — дейди у соддалик билан. — Биласизми, тоға, Аҳмад бобо — қишлоғимиздаги энг зўр боғбон. Наврўз куни гурунглашиб қолдим. Шундай-шундай, бобо, ўзингиз бир маслаҳат берсангиз, дедим. Йўқ, демади. Уйингиз бораман, пайвандлаб бераман кўчатларингни, гурунқиламиз, деди. Ўзи яхши одам-да...

— «Аҳмад бова...». Менга қара, жиян, қишлоқларингизга киришдаги ху-у қизил тунукали уй Аҳмад бобоники-я?

— Ҳа, худди ўзи.

— Кел, жиян, бугун бориб шу маслаҳатингни олиб келамиз, — дедим.

Икковимиз Аҳмад бобоникига йўл тортамиз.

Айтишларича, қизилкарвонликлар билан меҳнаткашликлар азалдан бир ариқдан сув ичган, яхши-ёмон қунари ҳам бир бўлган. Бу икки ҳамсоя қишлоқ ўтган асрнинг ўттизинчи-қирқинчи йилларига довура ҳам деярли бир хил ном билан аталган. Бизнинг қишлоғимизни «Ингичка поён», Меҳнаткашни, у биздан жанубда, дўнроқда, тоғ бағрида жойлашгани учун «Ингичка боло» дейишган. Чиндан ҳам, тоғ тепасидан туриб қарасангиз, Қизилкарвон у-зу-ун, поёни йўқ қишлоқ бўлиб кўринадилар. Тоғ дараси ичидан бошланиб, бир-икки қақирим пастга қараб чўзилган Меҳнаткаш ҳам шундай. Боболар ном қўйишда оддий, аммо тўғри йўл тутишганини юқоридан қараб англайсиз...

— Нимага қишлоқларингизнинг номи «Меҳнаткаш»? — деб сўрайман жияндан.

— Одамларимиз меҳнаткаш бўлгани учундир-да, — ярим ҳазил



билан жавоб беради у.

Жияннинг гапини маъқуллаймаман. Худо ҳам меҳнатсевар бандаларига шундай баҳаво, обод ерларни насиб этса керак.

— Аҳмад бобо, ҳо, Аҳмад бобо! — деб қақира бошлади жиян қишлоқчасига. Сўнг хоҳадан қилинган дарвозачадан аста ичкарилаймиз.

— Келинлар, уларим, келинлар!

— Ассалому алайкум, бобо! Меҳмон қабул қиласизми?

— Бир гурунгингизни олайлик, деб келувдик...

Боғбон бобо икковимиз билан ҳам эски қадрдонлардек сўрашади.

— Бова, бу йигит менинг тоғам, — таништироқчи бўлади жиян.

— Танийман, ўзимнинг ошнам-ку, — дейди бобо ва менга юзланади: — Маҳмарайимнинг ули бўласиз.

Отангиз билан Анжирлидаги мактабда бирга ўқиганмиз десамам бўлади. Мен улардан икки-уч синф кейин эдим...

У ҳақда эшитган, аммо ўзи билан кўришмаганим учун гап гапга қовушармикан, деган хавотирда эдим. Бундай самимий танишувдан сўнг, гурунгимиз қизиб кетди. Кўп савол ҳам бериб ўтирмадим. У киши ўз ҳаётини сўзлар экан, керагини оларсиз, деб қўйди.

— Сизлар мени бова деяпсизлар, мен бўлсам, энди етмишни қоралаёяпман, — лутф қилди боғбон сўз

орасида. Сўнг давом этди: — Шундай қилиб, ўзимизда етти йил, Анжирлида уч йил ўқигач, икки йил пода боққанман. Мактабда яхши ўқиган бола учун молбоқарлик оғир иш. Аммо шароит шуни талаб қилса, мажбурсан-да. Урушдан кейинги йиллар оғир дамлар эди. Ноз-финоқ ўтадиган вақт эмасди, шу боис, одамлар нон топиш учун қўлидан келган ишни қиларди. Колхозда ишлаганмиз. Биринчи олган меҳнат ҳақим ҳамон эсимда. Раис бир полторка мошин бугдой берган. Онам жуда хурсанд бўлганди. Аммо бу бизга ташвиш ҳам келтирган. Бугдойни қаерга тўкишни билмай кўп ўйлашиб қолганмиз. Бир хонали, каталакдай уйда яшардик-да.

У пайтлари бугдойнинг ҳар донаси тилла эди. Шунинг учун олмага нондай қарардик. Ош йўғида ошимиз,

ҳолда, бу қишлоқда колхознинг моллини боқишдан кўра авлороқ эди. Лекин, биласиз, одам ўзи туғилиб ўсган еридан бир умр узоқда юролмайдилар. Сув ичиб кўкарган ери, тупроғи тортаверади. Қирқ йил шаҳару дала-даштда юрган бўлсам, онам билан яшаган эски ҳовлимиздаги бир жуфт зардоли билан олмани эсимдан чиқарганим йўқ. Қачондир, уларнинг ёнига кўп дарахт экаман, чорбоғ қиламан, деган ният кўнгилдан кетган эмас. Одамнинг дилида орзу-ниятнинг ўлмагани яхши-да...

Яшил мўжиза

— Дарахт дегани фарзанддай бўлмаса ҳам, шунга ўхшаган бир яқинингдай бўлиб қолади, — дея давом этади боғбон. — Унияма худди боланг каби тарбиялайсан, нима дейётганини билишга интиласан, дардини тинглайсан. Пайти келганда,

«ДАРАХТ ОДАМНИНГ ДАРДИНИ ОЛАДИ...»

нон йўғида нонимиз олма бўлган. Онамиз тадбиркор аёл эди. Олма билан туршакни қишга асрарди. Оз бўлсаям, бунчалик баракали бўлганига ҳозир ҳайрон қоламан. Йил бўйи мевадан зорикмаганмиз.

Мактабга онамиз тикиб берган қўлбола сумка билан қатнардик. Оёқда калиш. Бир гал калишим бутунлай ейилиб, ости қолмади. Ялангоёқ жўнадим. Юз қадамлар қолганда, киришга кўнғироқ чалинди. Муаллимлардан ёмон кўрқардик. Линейкада шарманда бўлишдан кўрқиб, чопдим. Мактабхонага қараб чопаман деб, ердаги гарғана тиканини кўзим илғамай қолган. Оёғимнинг тагидан кириб, устидан чиқиб кетган... Яраси неча ойлар ёмон азоб берди. Ўшанда болаларча, катта бўлай, бой бўламан, оёғимга таги қалин этик оламан деб орзу қилганман...

Муаллимлар аёлчи ўқувчи Турсунов Аҳмаднинг катта олим бўлишига ишонган. Табиий фанларни яхши ўқигани учун ундан яхшигина биолог чиқади, деб ўйлашган. Аммо уларнинг орзулари ҳадеганда амалга ошмай, ёш Аҳмад институтга ҳужжат топширмади. Унга ҳўжалик подасини топширишди... Кейин ҳарбий хизмат. Орзу рўёби яна уч йилга кечикди...

— 1965 йили армиядан қайтдим, — деб давом этади Аҳмад бобо. — Олдимда икки йўл бор. Бири — институтга ҳужжат топшириш. Ўтолсам, ўтдим, киролмасам, шаҳарда қолиб, бирор билим юртида ўқирман, дедим. Иккинчи йўл — қўлимга таёқ олиб, эски амалимга қайтиш эди. Таваккал қилдим. Ёз келганда, чанг босиб ётган аттестатни пуфладиму, шаҳарга жўнадим...

«Биринчи йўл» йигитга омад келтирди. У Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги институтининг агрономия факультетида ўқишга қабул қилинади. Тамомлагач, узоқ йиллик агрономлик фаолияти бошланади. Нуробод ва қўшни Пастдаргом тумани ҳўжалиқларида Аҳмад Турсунов ўттиз икки йил давомида агроном бўлиб ишлайди...

«Кўнглим ҳамиша боғда бўлган...»

— Ишимнинг яхши томони шу эдики, турли жойларда, турфа одамлар билан ишладим. Таниш-билиш, жўра-йўлдош орттирдим. Ҳар

дардингни айтасан... Руҳан толиққанда, боғ оралаб сайр қилишнинг сири мана шунда. Дарахт одамнинг бор дарду ҳасратини олади. Яратган унга шундай вазифани юклаб қўйган. Мўжиза-да буям бир!..

Қишлоғимиз тепасида, тоғ этагидея ёлғиз тут дарахти бор. Сершоҳ, танасининг азим чинорлардек улканлиги унинг анчайин кексалигидан нишон беради. Ким эканлигини биров билмайди, аммо айтишларича, уни бир ўтинчи чол парвариш қилган экан.

Бу чол умрини шу ҳалол касби билан ўтказар, ҳар гал тоққа ўтин тергани чиққанда қоялар остидея дам олар экан. Бир куни хуржунини тўлдириб, нафас ростлаш учун ўтирган экан, бир харсанг ортидан нолали овоз эшитилди. Чол бориб қараса, тош лабида бир ниҳол кўкариб турганмиш. У қулоч ёзай деса, шохчалари харсангга тегиб, ҳазин овоз чиқарар, унинг нолалари дара ичра садо бериб, эшитган дилларни маҳзун этар экан.

Чол харсангни силжитмоқчи бўлибди, лекин ҳар қанча уринмасин, кучи етмабди. Бир кўнгли, бугун уйимга боради, эртагаям келаман-ку, дебди. Бироқ кетишга-да кўнгли бўлмабди.

— Ё, парвардигор! — дебди у кунботар томонга қўлларини чўзиб. — Ўзинг қувват ато этгувчисан!..

Унинг илтижоси дара ичра шундай садо берибди: «Ўзинг қувват ато-о эт! Ўзинг қувват ато-о эт!».

Чол кўзларини юмибди. Кўзи ўнгида ўзининг навқиронлиги намоён бўлибди. Бу навқиронлик чолнинг салқи билаклари узра ёйилибди. Вужудига қувват эниб, харсангни силжитибди...


Бугун Тутлиота деб аталадиган ўша ёлғиз қари тут ўсган дара одамларнинг севимли манзилларидан. Лекин у ерга ҳамма ҳам бора олмайдилар, дейишда бобо-момолар. Қалби нопок ҳисларга тўлган кишиларга тут ўз соясидан жой бермас эмиш. Шундайлар у ерга қўниб қолгудек бўлсалар, кўҳна дарахт шохлари ху-у... ўшандай ҳазин ва мунгли овоз чиқарар экан...

Пайванд олманинг ҳасакидан фарқи

— Мевали дарахт новдасини икки маҳал пайвандлаш мумкин. Биринчиси найча пайванд дейилади. У бизнинг иқлимда май ойларида қилинади. Яна бирини искана ёки туп пайванд дейимиз. Унда ёш



АҚЛИЙ ФАОЛИЯТГА Фойдали Бактерия



Океанорти тадқиқотчиларининг изланишлари шуни кўрсатмоқдаки, табиатдаги баъзи бактериялар болаларнинг мия фаолияти яхши-ланишига ижобий таъсир кўрсатиб, ўзлаштириш самарадорлигини оширишга замин яратар экан. Нью-Йорк штатидаги Сэйж коллежи олимлари Дороти Мэттьюс ва Сьюзан Женкс *Mycobacterium*

vassae деб номланган буйрак бактерияси айна шундай хусусиятга эгаллигини исботлашди. Аниқланишича, асосан ҳаво йўли ёки овқат истеъмол қилганда болалар организмга тушадиган бактерия иммунитетнинг юқорилиги сабаб тезда нобуд бўлади ва серотонин моддалар концентрацияси кучаяди, натижада мия фаолияти яхшиланади.

Қизиғи, бу бактерияни очиқ ҳавода, дам олиш жойларида «юктириб» олиш мумкин. Болаларни кўпроқ очиқ ҳавода сайр қилдириш зарур, деган маслаҳатлар бежизга эмаслигининг яна бир сабаби ҳам шунда бўлса, ажаб эмас.

37 миллион йил илгари яшаган

Африка шимолида 37 миллион йил олдин умргузаронлик қилган ва сутэмизувчиларнинг ҳозирга қадар маълум бирон-бир турига киритилмаган маймун аниқланди. Олимларнинг мавзуга бағишланган мақоласи «Просдингз оф Нэйшнл Экедеми оф Сайнс» илмий нашрида чоп этилди. Таъкидланишича, илмий топилма мазкур турдаги ҳайвонлар — приматлар эволюциясидаги фанга номаълум ўзига хосликларни белгилашда кўл келади.

Археологик қазилма ишлари давомида ушбу жонзотнинг 12та тиши борлиги аниқланди. Илм-фанда эса унга *Nosmips aenigmaticus* номи берилди. Олимлар илгари сурган назарияга кўра, 34-55 миллион йил аввал Африка қитъасида яшаган приматлар учта асосий гуруҳга бўлинган. Улар илк маймунлар, лемурсимон приматлар ва ҳозирда мутлақо йўқолиб кетган адапидлар туркумидир. Мазкур жонзотларни қайси гуруҳга мансуб эканини уларнинг тишлари тузилишига қараб ажратиш мумкин. Бироқ янги носмипс туридаги ушбу ҳайвоннинг бундай йўл билан қайси оилга киришини аниқлаб бўлмапти, чунки унинг тишлари мутлақо ўзгача шаклга эга.

— Афтидан, носмипс фақат Африка қитъасида истиқомат қилган ва узун эволюцион тарихга эга сутэмизувчилар синфининг энг юқори туркуми вакили бўлган, — дейди Стони Брукс университетиди олими Эрик Сейфферт. — Унинг жағ тузилишини бошқа шу турдагилар билан солиштириб ўтказилган таҳлилдан сўнг бу ҳайвон мева ва майда ҳашаротлар билан озиқланган, деган тўхтамга келинди. Умуман олганда, келгусида қадимий фауна вакиллари ўрганиш орқали приматларнинг турли эволюцион турлари кўҳна Африка ҳайвонот оламининг турфа хиллигини тасдиқлаши мумкин.



ХОТИРА ПАСАЙИШИНИНГ ДАВОСИ



Интеллектуал фаолият билан шуғулланувчи ва билим олишга иштиёқи баланд одамларнинг хотираси мустаҳкам бўлиши ўз тасдиғини топди. Тадқиқотта бағишланган мақола «Нейроложии» илмий-оммабоп журналида чоп этилди. Унда келтирилишича, бундай кишилар ҳатто кексалик чоғида ҳам кўп нарсани батафсил эслаб қолиши мумкин экан. Шу билан бирга, интеллектуал фаолият Альцгеймер (хотиранинг суслашини) касаллигига қарши ўзига хос восита вази фасини бажарар экан.

Милан шаҳридаги Сан-Раффаэле миллий университетининг неврология бўлими олимлари томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари мазкур хулосага туртки бўлди. Тажрибада Альцгеймер касаллиги аниқланган 242 нафар бемор қатнашди. Аввалига улардан 72 нафари хасталикнинг оғир шаклига чалингани, қолганлар эса хотирасидан бироз шикоят қиларди.

14 ой давом этган тадқиқот мобайнида иштирокчилар ҳеч қандай ахборот алмашинуви жараёнига жалб этилмади, яна ҳам соддароқ қилиб айтилса, мияга бир муддат «дам» берилди. Яқунда олинган натижалар 21 кишида Альцгеймер касаллигининг оғир шакли ривожланганини кўрсатди.

— Инсон мияси фаол бўлмаса, хотира пастлашиши тобора кучайиб боришини тадқиқот яққол кўрсатди, — дея маълум қилди мутахассис Валентина Гариботто. — Демак, агар инсон доимий равишда маълумотларни қабул қилиб турса, ақлий фаолият билан шуғулланса, унда ҳеч қачон хотира билан боғлиқ муаммо юзага келмас экан.

Дилноза ҚАЮМОВА тайёрлади.

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби 2010-2011 ўқув йили учун 2-синфларга танлов асосида қабул эълон қилади.

Кириш синовларида қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши керак:

1. Директор номига ариза.
2. Баҳолар табели (нусхаси).
3. Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.
4. Тиббий маълумотнома-086.
5. 3x4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

E'lon

6. Турар жойидан маълумотнома.
 7. Психологик-педагогик ташхис дафтари асосида ўқувчининг қизиқишлари, ўқув фанларини ўзлаштириши ҳақида тасдиқланган тавсифнома.
 8. 1та файл папка.
- Ҳужжатлар 2-синфлар учун 31 майгача қабул қилинади.
- Кириш синовлари тест кўринишида ўтказилади.

Манзил: Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли, 71-уй.
Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби.
Кўшимча маълумотлар учун телефон: 267-18-10

ниҳолга бошқа дарахтнинг шохчаси ўрнатилади, яъни пайвандланади. Буни эрта баҳор, ҳали дарахтлар уйғонмаган пайтда қиладилар. Ҳамма мевали дарахтни пайвандлаш мумкин.

— Пайвандланган билан пайвандланмаган дарахт меваси қандай бўлади? — деб сўрайман боғбондан.

— Мевасининг ҳажмидаям, ҳосилидаям фарқ катта, — жавоб беради у. — Мисол учун, хашаки олма (пайвандланмаган) ўрик донасидай катталиқда бўлади, бўлса агар. Ундан ҳам майда бўлиши мумкин. Уч яшари йигирма килограмм ҳосил берса, димоғингиз чоғ бўлаверсин. Ундан кўпини кутманг. Пайванд қилинган, шу ёшдаги баҳори олма меваси муштдай-муштдай келади. Ҳа, энди, ҳосил ҳам, Худонинг берганига қараб бўлаверади. Мева йили бўлиб қолса, етмиш-саксон килодан оласиз. Жуда бўлмади, деганда, эллик килодан зиёдроқ беради. Таъми ҳам мазали бўлади.

Кўпчилик дарахтни экиб қўйса бўлди, ўзи кўкариб, мева тугиб ётади, деб ўйлайди. Бу — тўғри. Бироқ дарахт билан дарахтнинг, мева билан меванинг фарқи бўлади. Ерга меҳр қўйсанг, ундан меҳр кўрасан, дейишади-ку деҳқонлар. Дарахтнинг парваришласанг, дарахт бўлади.

Мен учун дарахт фақат мева берадиган «кичик фабрика» эмас. У кўзга чиройли кўриниб, завқ беришиям керак. Шунда дил равшан тортади.

Боғимиздаги дарахтларга ҳар икки йилда шакл бериб тураман, ҳосилига зарар етмайдиган қилиб. Чечангиз, отаси, бекор қиласиз шундай қилиб, боғингиз чиройли экан, деб биров раҳмат айтадими, дейди. Бекор қилмайман, энаси, дейман. Чиройли одамнинг иши ҳам, қадам олиши ҳам чиройли бўлганидек, боғи ҳам гўзал бўлиши керак, дейман...

Боғбоннинг уйига бориб, боғини кўрмай кетиб бўлармиди? Гурунгурун билан ҳовлига чиқамиз. Чорбоғ айланамиз. У киши жиянга боғ илмидан «мастер класс» ўтказди.

— Дарахт ҳам одамлардай, улим, — дейди у. — Одамнинг иссиқ-совуққа чидамлиси, нозиктаъби, эркароғи бўлади. Дарахтлар ҳам шундай. Масалан, ёнғоқ бақувват, чайир одамга ўхшайди. Совуққа чидамли. Шафтоли нозик, ҳатто инжиқроқ. Уни жуда эҳтиёт билан парвариш қилмасанг, мева бермайман, деб туриб олади. Токнинг эти юпқа. Тез совуқ ейди. Шунинг учун унга қорни «кўрпа» қилиб ёпишади.

— Бова, чорбоғингизда олма кўп экан. Бир мавсумда қанча ҳосил оласиз? — дея «иктисодий» томонларига қизиқиш билдиради жиян.

— Шукр, бир оилага етади, болам, — меҳнаткашликларга хос жавоб беради боғбон.

Мен ундан оиласи ҳақида сўрайман.


— Битта чечангиз бор, — дейди у ҳазилкашлик билан. — Унга бошидан айтганман, мен бир «ёмон» одамман. Ёмон билан, майли, яшайман, десанг, рози бўл... Инсоф бериб, рози бўлган. Йигирма саккизимда уйланганман. У киши ўн саккиз ёшда эди ўшанда. Яратган етти фарзанд — тўрт қиз ва уч ўғил ато этди. Ҳаммасини ўқитдик, олий маълумотли қилдик. Шуларнинг, невараларнинг яхши кунларини кўрайлик, деб дуо қилиб юрибмиз...

Боғбон билан анча суҳбатлашдик. Мен борганда дарахтлар гуллаган, чорбоғдан таралаётган хуш ифор атрофни муаттар қилган эди. Ҳозир бу дарахтлар мева туккан. Ҳадемай, ширага энади, пишади. Меҳнаткашликлар ўз меҳнатлари мевасини кўради.

Аҳмад бобо ҳамда унинг қишлоқдошларига чин дилдан ҳавасим келади.

Пешона төринг билан топганинг, барибир, яхши-да...

Элмурод НИШОНОВ



**Yangi rukn:
So'z ko'rk'i**

Ўзбек халқ оғзаки ижоди — битмас-туганмас хазина. Достонлар, эртаклар, латифалар, кўшиқлар, термалар она тилимизнинг куч-қудрати, гўзаллигини намойиш этади. Фольклор жанрлари орасида айниқса мақол-маталларнинг ўрни бекиёс. Бир кунда ўзаро сўзлашувда камида беш-ўнта мақол ишлатмаган ўзбекни топиш қийин. Чунки мақол — сўзнинг кўрки, чиройи!

Филолог олим Маҳмуд Саттор тилимиз тилсимлари, мақоллар мўъжизаси билан кўпдан бери астойдил қизиқиб мақолалар, китоблар ёзиб келади. Унинг «Ўзбек удумлари»(1993), «Ўзбекнинг гапи қизиқ»(1994) китоблари босилиб чиққан. У яқинда ўзбек мақоллари маънолари шарҳига доир янги китобини ёзиб тугатди.

Куйида Маҳмуд Сатторнинг ушбу китобидан парча ўқийсиз.

Маҳмуд САЪДИЙ

NEGA SHUNDAY DEYMIZ?

A

Arava sinsa — yalqovga o'tin. Arava — transport vositasi. Ot-eshak qo'shilib, yuk, odam tashiladi. Uzoq yaqin qilinib, yo'l tanobi tortiladi. Yalqov, dangasa, ishyoqmas, tanbal aravasi sinib qolsa, uni tuzatish, ta'mirlab ishga solishga erinib, yoqib, o'tin o'rnida ishlatadi, deyilayotir. Muqobili: "Tanbalga arava sinsa — o'tin, ho'kiz o'lsa — go'shti!".
Tanqid vositasida har ishda tadbirkor bo'lishga da'vat.

Archa xushbo'yligidan mingga kiradi. Archa ko'pyillik, umri uzun daraxt. Ko'chma, majoziy ma'noda o'git, pand-nasihati mazmuni mujassam. "Inson ham xushtabiat, xushmuomala, shirinsuxan bo'lsa, uzoq umr ko'radi", deyilmoqchi. Agar archa qo'lansa hid taratuvchi bo'lganda, o'rmonchilar uni darhol kesib, bahridan o'tgan bo'lardilar. Qo'pol muomalali odam ham shunday. Yoqimsiz gapi, insonlarga nomunosib munosabati bilan atrofdagilarni o'zidan bezdiradi. Oqibat, o'z boshiga o'zi, tili yetadi, degan ma'noni beradi. Muqobili: "Archa ming yashaydi, yong'oq bilan teng yashaydi".
Ezgulikka da'vat.

Arg'amchiga qil quvvat. Arg'amchi, arqon nuqul jundan to'qilsa, mo'rt bo'ladi. Yuk tushganda uzilib ketadi. Shuning uchun junga ozroq otning yoli yoki dumidan qil aralashtirib eshadilar. Nisbatan kam qil ham arg'amchiga quvvat bo'lib, uni pishiq va baquvvat qiladi. Xalqimiz bu maqol bilan majoziy ma'noda: "Qiyналиb, muhtoj bo'lib turgan odamga andak yordam ham quvvat baxsh etadi. U sening shu kichik himmating bilan o'zini, ishini o'ng'arib olishi mumkin", degan maslahatni beradi. Jo'n ma'nosi: ko'pga bir qo'shilsa, oz bo'lsa ham, quvvati oshadi. "It bo'l, qush bo'l — ko'p bo'l" maqoli muqobillikka yaqin.
Yaxshilik, saxovat, yordam da'vati.

Ataladan suyak chiqibdi. Atala — qozonga yog', un solib, ilyab, suv quyib, qaynatib pishiriladi. Moyli atala tuqqan ayollarga quvvat bo'ladi. Unga go'shti, boshqa masalliqalar solinmaydi. Shunday bo'lgach, undan suyak chiqishi mumkin emas. Bu maqolni majoziy ma'noda — ziqna, xasis odamdan favqulodda bir saxovatli ish chiqib qolsa, yoxud hech vaqo bilmaydigan omi odamdan biror ma'noli so'z yoki maqbul fikr tug'olsa, "Qarang, ataladan suyak chiqibdi-ya", deya hayron va qoyil qolib aytadilar. Muqobillari: "Kesakdan olov chiqibdi"; "Qarqunoqdan bulbul chiqibdi".
Favquloddalik, hayrat, xayrixohlik e'tirofi.

Ayagan ko'zga cho'p tushar. Muqobillari: "Ayagan ko'zga cho'p tushar, tashlandiqqa tosh tegmas"; "Ayagan otning oyog'i sinar". Ba'zi hollarda ko'z qorachig'idek avaylab-asrab, papalab kelinayotgan narsaga xuddi o'chakishgandek biror shikast yetadi. Ayamay, o'z holiga tashlab qo'yilgan narsaga esa balo ham urmaydi. Mazkur maqollarni shunday hollar ro'y berganda ishlatadilar. Maqolda bu holga tushgan insonga nisbatan pushaymonlik, kuyunchalik, achinish hislari mujassam.

B

Besh qo'l baravar emas. Bu o'rinda besh barmoq nazarda tutilmoqda. Haqiqatan ham barmoqlar o'zining joylashishi va vazifasiga ko'ra uzun-qisqa, har xil bo'ladi. Majoziy ma'noda "Odam ko'p, biroq hammasi bir xil emas", deyilmoqchi. "Odamlar bir-birlaridan farq qiladilar, ular orasida yaxshilari ham, yomonlari ham, aqlli va aqlsizlari ham, odobli va odobsizlari ham bo'ladi, kundalik hayotningda shuni hamisha nazarda tut", degan pand-nasihati maqolidir.

Mahmud SATTOR

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

Сана: 31 май 2010 й.
Кредит №: СТЖ 1/488, ОПЕК жамғармаси № 1186Р
Лойиҳа номи: Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги ОПЕК ва Саудия тараққиёт жамғармалари иштирокида амалга оширилаётган "Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш" лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи аудитор компанияси танлови ўтказилишини маълум қилади.

Аудит текширувига бўлган талаблар:

- Аудит текшируви халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказилиши ҳамда ушбу текширув ҳисоботлари рус ва инглиз тилларида тақдим этилиши лозим.
 - Аудиторларнинг малака ва иш услуби ОПЕК ва Саудия тараққиёт жамғармалари талабларига жавоб бериши лозим.
- Мурожаатлар 2010 йил 10 июнь соат 16:00га қадар куйида келтирилган манзилга топширилиши шарт.
Ушбу муддатдан кейин топширилган мурожаатлар инobatта олинмайди.

Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи Мустақиллик майдони 5, 100078, Тошкент, Ўзбекистон
Тел: +998 71 239-46-50 Факс: +998 71 239-17-05
E-mail: uzb_020@yahoo.com

2010-2011 ўқув йилида қар ва заиф эшитувчи мактаб ўқувчилари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш юзасидан Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган танлов савдоларида голиб бўлган иштирокчи номи

Т/р	Дарслик номи	Синфи	Таълим тили	Адади	Ғолиб иштирокчи номи
1	Она тили	1	ўзб	551	"Fan va texnologiya" нашриёти
2	Она тили ва нутқ ўстириш	2	ўзб	562	"Fan va texnologiya" нашриёти
3	Она тили	3	ўзб	419	"Fan va texnologiya" нашриёти
4	Табиатшунослик	5	ўзбек	413	"Fan va texnologiya" нашриёти

2010-2011 ўқув йилида ёрдамчи мактаб ўқувчилари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш юзасидан Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган танлов савдоларида голиб бўлган иштирокчи номи

Т/р	Дарслик номи	Синфи	Таълим тили	Адади	Ғолиб иштирокчи номи
1	Табиатшунослик (жонсиз табиат)	5	ўзбек	2 034	"ИЛМ ЗИЁ" МЧЖ
2	Табиатшунослик	7	ўзбек	1 735	"ИЛМ ЗИЁ" МЧЖ
3	Рабочая тетрадь по математике	1	рус	374	"ИЛМ ЗИЁ" МЧЖ
4	Ручной труд	1-2	рус	268	"ИЛМ ЗИЁ" МЧЖ
5	Ручной труд	3-4	рус	407	"ИЛМ ЗИЁ" МЧЖ
6	Природоведение	5	рус	237	"ИЛМ ЗИЁ" МЧЖ
7	Математика	7	рус	541	"ИЛМ ЗИЁ" МЧЖ
8	Математика	8	рус	505	"ИЛМ ЗИЁ" МЧЖ
9	Математика	9	рус	495	"ИЛМ ЗИЁ" МЧЖ



**Хурматли ва қадрли
Қудрат Иргашевич Артиков!**

Сизни муборак 60 ёшингиз билан чин дилдан самимий кутлаймиз. Қирқ йилга яқин умрингизни илму маърифатга бағишлаб, Сиз таълим берган шогирдларингиз халқ хўжалигининг кўпгина соҳаларида ҳалол хизмат қилиб келмоқдалар. Ёш авлодни замон талаблари асосида тарбиялашдаги шарафли ва масъулиятли меҳнатингизда куч-қувват, ғайрат ва шижоат, узоқ ва сермазмун умр ҳамда мустаҳкам соғлиқ тилаймиз. Сизга кўп йиллар давомида фарзандларингиз, набираларингиз ва шогирдларингиз камолини кўриб юриш насиб этишига тилакдошимиз.

Сергели туманидаги 318-ихтисослашган мактаб-боғча мажмуаси жамоаси

Тошкент шаҳар
Чилонзор тумани
ҳокимиятида рўйхатга
олинган «Samar mebel»
МЧЖ (ИНН 301569231),
Тошкент шаҳар
Чилонзор тумани
ҳокимиятида рўйхатга
олинган «Amin mebel»
МЧЖ (ИНН 206481944)
таркибига тўлиқлигича
қўшилганлигини
МАЪЛУМ ҚИЛАДИ




СПОРТ, ЁШЛИК ВА ГЎЗАМЛИК БАЙРАМИ

Андижонда олий ўқув юртлари талабалари ўртасида “Универсиада-2010” спорт мусобақалари бошланди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Баркамол авлод йили деб эълон қилинган 2010 йилда Универсиада мусобақаларининг ўтказилиши теран маъно-мазмунга эга. Зотан, баркамол авлод тарбиясида спорт мусобақаларининг ўрни бекиёс. “Универсиада-2010” якуний босқичига мезбонлик қиладиган Андижон шаҳрида мазкур спорт анжуманига пухта ҳозирлик кўрилди.

Шаҳар янада кўркам қиёфа, ўзгача тароват касб этган. Кўчалар ранг-баранг байроқлар, ёшлик ва спортни тарғиб этувчи панно ва шиорлар билан безатилган. Аэропортдан асосий мусобақалар ўтказиладиган марказий стадионгача бўлган кўчалар анвойи гулларга бурканган.



...28 май. Андижон шаҳридаги “Соғлом авлод” марказий стадиони томошабинлар билан тўла. Бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, халқаро спорт мусобақаларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган спортчилар, ота-оналар, талаба ва ўқувчи-ёшлар йиғилган.

Чорлов мусиқаси “Универсиада-2010” спорт мусобақаларининг очилиш маросими бошланаётганидан дарақ беради. Майдонда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари саф тортади.

Андижон вилояти ҳокими А.Усмонов Ўзбекистон олий ўқув юртлари талабаларининг “Универсиада-2010” спорт мусобақаларини очик, деб эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Универсиада-2010” спорт ўйинлари иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи кўтарилди.

Мамлакатимиз спортчи-талабалари мусобақасининг рамзи — Универсиада байроғи кўтарилди.

Спортчи ёшлар бўлажак мусобақаларда ҳалол, мурокасиз ва мардона кураш олиб бориш ҳақида тантанали қасамёд қиладилар.

Инсон камолотида, унинг

жисмонан ва руҳан чиниқиши, иродаси тобланишида, шижоат ва жасорат соҳибига айланишида спортнинг ўрни катта. Жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрўсини оширишда ҳам спорт улкан имкониятларга эга.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда спортни оммалаштиришга қаратилаётган алоҳида эътибор замирида ана шу эзгу мақсад мужассам. Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва бугунги кунда кўплаб давлатларда катта қизиқиш билан ўрганилаётган мамлакатимиз ёшларининг уч босқичли спорт ўйинлари — умумтаълим мактаблари


спорт билан шуғулланиш учун нафақат шаҳарда, балки қишлоқ жойларда ҳам яратилган шарт-шароит самарасида ёшларнинг маҳорати ва иқтидори ошганини намён этди. Пойтахтимиз мезбонлик қилган “Универсиада-2007” мусобақаларини том маънодаги Олимпиада ўйинларига қиёслаш мумкин. Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари терма жамоалари иштирокчилари орасида халқаро мусобақалар совриндорлари, Осиё ва жаҳон чемпионларининг борлиги мусобақалар нуфузи ва савиясининг ошишида алоҳида ўрин тутди.

«Универсиада-2010»

Ҳа, ўтган ўн йил ичида Универсиаданинг салоҳияти ошиб борди. Бу нафақат спорт ўйинлари иштирокчиларининг кўпайганида, айни пайтда беллашувлар кескин ва мурокасиз ўтишида, медаллар сонининг ортганида, спортчилар кўрсаткичларининг йилдан-йил яхшиланиб бораётганида ҳам яққол кўзга ташланади. Универсиада спорт ўйинлари бошланганидан буён унда минглаб талабалар иштирок этди ва кўплаб медаллар қўлга киритилди, спортнинг бир қатор турлари бўйича янги рекордлар ўрнатилди. Энг муҳими ёшларимизнинг иқтидори, чиниқиш даражаси



ошмоқда. Универсиада мусобақаларига тайёргарлик кўриш давомида ўнлаб спорт саройлари, мажмуалари, стадионлар бунёд этилди ва замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланаётир.



Бугун бокс, кураш, шахмат, бадий гимнастика, теннис ва бошқа спорт турлари бўйича мамлакатимизда яратилган мактабларни бутун дунё эътироф этмоқда. Нуфузли халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиб, Ватанимиз обрўсини баланд кўтараётган ўнлаб иқтидор соҳиблари ана шу уч босқичли спорт ўйинларида кашф этилган.

Энг муҳими, ёш авлодда спортга иштиёқ, юксак марраларга интилиш ҳисси ортмоқда. Универсиада каби нуфузли мусобақаларда галабага эришиш мамлакатимиздаги ҳар бир йигит-қиз учун юксак мақсад, эзгу орзу, фахр-ифтихор манбаига айланмоқда.

Халқимиз ўртасида “кичик Олимпиада” номини олган Универсиада мусобақалари бу йил ҳам баскетбол, волейбол,

...Стадионга ёш спортчилар, раққосалар, таниқли эстрада хонандалари кириб келади. Ранго-ранг безаклар, турфа чироқлар байрамга ўзгача файз ва тароват бахш этади. Майдон узра таралаётган шўх мусиқа ёшларни рақсга чорлайди, тантанавор руҳ қалбларга кўчади. Қалбларда бетакрор Ватанимиздан фахрланиш, унинг ёрқин келажаги бўлган иқтидорли йигит-қизларидан гурурланиш туйғулари жўш уради. Ёшлик ва спорт байрами бошланади.


Универсиада мусобақалари олдидан Андижон шаҳрида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мусобақалар ўтказиладиган 31 объект замон талаблари асосида таъмирланди. Жумладан, асосий беллашувлар бўлиб ўтадиган Андижон давлат университети, қишлоқ хўжалик институти, чет тиллар институти ҳамда Андижон тиббиёт институти, Олимпия захиралари спорт коллежи янгича қиёфа касб этди. Мавжуд спорт заллари таъмирдан чиқарилди ҳамда зарур спорт жиҳозлари билан таъминланди. Мусобақа иштирокчиларининг яшashi, овқатланиши ва мазмунли дам олиши учун барча қулайликлар яратилди. Ахборот марказлари ташкил этилиб, компьютер, факс ва телефон алоқаси билан таъминланди.

...Стадионга “Универсиада-2010” машъаласи олиб кирилади. Барчанинг диққат-эътибори машъала кўтарган спортчиларга қаратилади. Машъала Ўзбекистон Фанлар академияси “Физика-куёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Материалшунослик институтидан улкан куёш қозонидан ўт олдирилган. Уни ёш иқтидорли спортчилардан иборат эстафета қатнашчилари автокортеж ҳамроҳлигида Тошкент вилоятининг Паркент туманидан Андижонга олиб келди.

Талаба-ёшларнинг “Универсиада-2010” спорт ўйинлари машъаласини таниқли спортчилар — сузиш бўйича Осиё кубоғи совриндори Шохруҳ Юнусов, самбо бўйича Осиё чемпиони Дилдора Убайдуллаева ёкди.

“Универсиада-2010” спорт мусобақаларининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Ҳусниддин БЕРДИЕВ,
Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ,
Масъуд СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари**



**Yangi rukn:
So'z ko'rki**

Ўзбек халқ оғзаки ижоди — битмас-туганмас хазина. Достонлар, эртақлар, латифалар, кўшиқлар, термалар она тилимизнинг куч-қудрати, гўзаллигини намён этади. Фольклор жанрлари орасида айниқса мақол-маталларнинг ўрни бекиёс. Бир кунда ўзаро сўзлашувда камида беш-ўнта мақол ишлатмаган ўзбекни топиш қийин. Чунки мақол — сўзнинг кўрки, чиройи!

Филолог олим Махмуд Саттор тилимиз тилсимлари, мақоллар мўъжизаси билан кўпдан бери астойдил қизиқиб мақолалар, китоблар ёзиб келади. Унинг «Ўзбек удумлари»(1993), «Ўзбекнинг гапи қизиқ»(1994) китоблари босилиб чиққан. У яқинда ўзбек мақоллари маънолари шарҳига доир янги китобини ёзиб тугатди.

Куйида Махмуд Сатторнинг ушбу китобидан парча ўқийсиз.

Махмуд САЪДИЙ

NEGA SHUNDAY DEYMIZ?

A

Arava sinsa — yalqovga o'tin. Arava — transport vositasi. Ot-eshak qo'shilib, yuk, odam tashiladi. Uzoq yaqin qilinib, yo'l tanobi tortiladi. Yalqov, dangasa, ishyoqmas, tanbal aravasi sinib qolsa, uni tuzatish, ta'mirlab ishga solishga erinib, yoqib, o'tin o'rnida ishlatadi, deyilayotir. Muqobili: "Tanbalga arava sinsa — o'tin, ho'kiz o'lsa — go'shti".

Tanqid vositasida har ishda tadbirkor bo'lishga da'vat.

Archa xushbo'yligidan mingga kiradi. Archa ko'pyillik, umri uzun daraxt. Ko'chma, majoziy ma'noda o'git, pand-nasihati mazmuni mujassam. "Inson ham xushabiat, xushmuomala, shirinsuxan bo'lsa, uzoq umr ko'radi", deyilmoqchi. Agar archa qo'lansa hid taratuvchi bo'lganda, o'rmonchilar uni darhol kesib, bahridan o'tgan bo'lardilar. Qo'pol muomalali odam ham shunday. Yoqimsiz gap, insonlarga nomunosib munosabati bilan atrofda qilarni o'zidan bezdiradi. Oqibat, o'z boshiga o'zi, tili yetadi, degan ma'noni beradi. Muqobili: "Archa ming yashaydi, yong'oq bilan teng yashaydi".

Ezgulikka da'vat.

Arg'amchiga qil quvvat. Arg'amchi, arqon nuqul jundan to'qilsa, mo'rt bo'ladi. Yuk tushganda uzilib ketadi. Shuning uchun junga ozroq otning yoli yoki dumidan qil aralashtirib eshadilar. Nisbatan kam qil ham arg'amchiga quvvat bo'lib, uni pishiq va baquvvat qiladi. Xalqimiz bu maqol bilan majoziy ma'noda: "Qiyalib, muhtoj bo'lib turgan odamga andak yordam ham quvvat baxsh etadi. U sening shu kichik himmating bilan o'zini, ishini o'ng'arib olishi mumkin", degan maslahatni beradi. Jo'n ma'nosi: ko'pga bir qo'shilsa, oz bo'lsa ham, quvvati oshadi. "It bo'l, qush bo'l — ko'p bo'l" maqoli muqobillikka yaqin.

Yaxshilik, saxovat, yordam da'vati.

Ataladan suyak chiqibdi. Atala — qozonga yog', un solib, iylab, suv quyib, qaynatib pishiriladi. Moyli atala tuqqan ayollarga quvvat bo'ladi. Unga go'sht, boshqa masalliqalar solinmaydi. Shunday bo'lgach, undan suyak chiqishi mumkin emas. Bu maqolni majoziy ma'noda — ziqna, xasis odamdan favqulodda bir saxovatli ish chiqib qolsa, yoxud hech vaqo bilmaydigan omi odamdan biror ma'noli so'z yoki maqbul fikr tug'lsa, "Qarang, ataladan suyak chiqibdi-ya", deya hayron va qoyil qolib aytadilar. Muqobillari: "Kesakdan olov chiqibdi"; "Qarqunoqdan bulbul chiqibdi".

Favquloddalik, hayrat, xayrixohlik e'tirofi.

Ayagan ko'zga cho'p tushar. Muqobillari: "Ayagan ko'zga cho'p tushar, tashlandiqqa tosh tegmas"; "Ayagan otning oyog'i sinar". Ba'zi hollarda ko'z qorachig'idek avaylab-asrab, papalab kelinayotgan narsaga xuddi o'chakishgandek biror shikast yetadi. Ayamay, o'z holiga tashlab qo'yilgan narsaga esa balo ham urmaydi. Mazkur maqollarni shunday hollar ro'y berganda ishlatadilar. Maqolda bu holga tushgan insonga nisbatan pushaymonlik, kuyunchalik, achinish hislari mujassam.

B

Besh qo'l baravar emas. Bu o'rinda besh barmoq nazarda tutilmoqda. Haqiqatan ham barmoqlar o'zining joylashishi va vazifasiga ko'ra uzun-qisqa, har xil bo'ladi. Majoziy ma'noda "Odam ko'p, biroq hammasi bir xil emas", deyilmoqchi. "Odamlar bir-birlaridan farq qiladilar, ular orasida yaxshilari ham, yomonlari ham, aqlli va aqlsizlari ham, odobli va odobsizlari ham bo'ladi, kundalik hayotingda shuni hamisha nazarda tut", degan pand-nasihati maqolidir.

Mahmud SATTOR

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

Сана: 31 май 2010 й.
Кредит №: СТЖ 1/488, ОПЕК жамғармаси № 1186Р
Лойиҳа номи: Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги ОПЕК ва Саудия тараққиёт жамғармалари иштирокида амалга оширилаётган "Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш" лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи аудитор компанияси танлови ўтказилишини маълум қилади.

Аудит текширувига бўлган талаблар:

- Аудит текшируви халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказилиши ҳамда ушбу текширув ҳисоботлари рус ва инглиз тилларида тақдим этилиши лозим.
 - Аудиторларнинг малака ва иш услуби ОПЕК ва Саудия тараққиёт жамғармалари талабларига жавоб бериши лозим.
- Мурожаатлар 2010 йил 10 июнь соат 16:00га қадар қуйида келтирилган манзилга топширилиши шарт.
- Ушбу муддатдан кейин топширилган мурожаатлар инobatга олинмайди.

Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи Мустақиллик майдони 5,
100078, Тошкент, Ўзбекистон
Тел: +998 71 239-46-50 Факс: +998 71 239-17-05
E-mail: uzb_020@yahoo.com

2010-2011 ўқув йилида кар ва заиф эшитувчи мактаб ўқувчилари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш юзасидан Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган танлов савдоларида голиб бўлган иштирокчи номи

Т/р	Дарслик номи	Синфи	Таълим тили	Адади	Голиб иштирокчи номи
1	Она тили	1	ўзб	551	"Fan va texnologiya" наشريёти
2	Она тили ва нутқ ўстириш	2	ўзб	562	"Fan va texnologiya" наشريёти
3	Она тили	3	ўзб	419	"Fan va texnologiya" наشريёти
4	Табиатшунослик	5	ўзбек	413	"Fan va texnologiya" наشريёти

2010-2011 ўқув йилида ёрдамчи мактаб ўқувчилари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш юзасидан Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган танлов савдоларида голиб бўлган иштирокчи номи

Т/р	Дарслик номи	Синфи	Таълим тили	Адади	Голиб иштирокчи номи
1	Табиатшунослик (жонсиз табиат)	5	ўзбек	2 034	"ИЛМ ЗИЁ" МЧЖ
2	Табиатшунослик	7	ўзбек	1 735	"ИЛМ ЗИЁ" МЧЖ
3	Рабочая тетрадь по математике	1	рус	374	"ИЛМ ЗИЁ" МЧЖ
4	Ручной труд	1-2	рус	268	"ИЛМ ЗИЁ" МЧЖ
5	Ручной труд	3-4	рус	407	"ИЛМ ЗИЁ" МЧЖ
6	Природоведение	5	рус	237	"ИЛМ ЗИЁ" МЧЖ
7	Математика	7	рус	541	"ИЛМ ЗИЁ" МЧЖ
8	Математика	8	рус	505	"ИЛМ ЗИЁ" МЧЖ
9	Математика	9	рус	495	"ИЛМ ЗИЁ" МЧЖ



**Хурматли ва қадрли
Қудрат Иргашевич Артиков!**

Сизни муборак 60 ёшингиз билан чин дилдан самимий кутлаймиз. Қирқ йилга яқин умрингизни илму маърифатга бағишлаб, Сиз таълим берган шогирдларингиз халқ хўжалигининг кўпгина соҳаларида ҳалол хизмат қилиб келмоқдалар. Ёш авлодни замон талаблари асосида тарбиялашдаги шарафли ва масъулиятли меҳнатингизда куч-қувват, ғайрат ва шижоат, узоқ ва сермазмун умр ҳамда мустаҳкам соғлиқ тилаймиз. Сизга кўп йиллар давомида фарзандларингиз, набираларингиз ва шогирдларингиз камолини кўриб юриш насиб этишига тилакдошимиз.

Сергели туманидаги 318-ихтисослашган мактаб-боғча мажмуаси жамоаси

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимиятида рўйхатга олинган «Samar mebel» МЧЖ (ИНН 301569231), Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимиятида рўйхатга олинган «Amin mebel» МЧЖ (ИНН 206481944) таркибига тўлиқлигича қўшилганлигини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

СПОРТ, ЁШЛИК ВА ГЎЗАМЛИК БАЙРАМИ

Анджонда олий ўқув юртлари талабалари ўртасида «Универсиада-2010» спорт мусобақалари бошланди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Баркамол авлод йили деб эълон қилинган 2010 йилда Универсиада мусобақаларининг ўтказилиши теран маъно-мазмунга эга. Зотан, баркамол авлод тарбиясида спорт мусобақаларининг ўрни беқиёс. «Универсиада-2010» якуний босқичига мезбонлик қиладиган Андижон шаҳрида мазкур спорт анжуманига пухта ҳозирлик кўрилди.

Шаҳар янада кўркем қиёфа, ўзгача тароват касб этган. Кўчалар ранг-баранг байроқлар, ёшлик ва спортни тарғиб этувчи панно ва шиорлар билан безатилган. Аэропортдан асосий мусобақалар ўтказиладиган маркамол


жисмонан ва руҳан чиникиши, иродаси товланишида, шижоат ва жасорат соҳибига айланишида спортнинг ўрни катта. Жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрўсини оширишда ҳам спорт улкан имкониятларга эга.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда спортни оммалаштиришга қаратилаётган алоҳида эътибор замирида ана шу эзгу мақсад муҳассам. Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва бугунги кунда кўплаб давлатларда катта қизиқиш билан ўрганилаётган мамлакатимиз ёшларининг уч босқичли спорт ўйинлари — умумтаълим мактаблари

спорт билан шуғулланиш учун нафақат шаҳарда, балки қишлоқ жойларда ҳам яратилган шарт-шароит самарасида ёшларнинг маҳорати ва иқтидори ошганини намойён этди. Пойтахтимиз мезбонлик қилган «Универсиада-2007» мусобақаларини том маънодаги Олимпиада ўйинларига қиёслаш мумкин. Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари терма жамоалари иштирокчилари орасида халқаро мусобақалар совриндорлари, Осиё ва жаҳон чемпионларининг борлиги мусобақалар нуфузи ва савиясининг ошишида алоҳида ўрин тутди.

«Универсиада-2010»

Ҳа, ўтган ўн йил ичида Универсиаданинг салоҳияти ошиб борди. Бу нафақат спорт ўйинлари иштирокчиларининг кўпайганида, айти пайтда беллашувлар кескин ва мурасасиз ўтишида, медаллар сонининг ортганида, спортчилар кўрсаткичларининг йилдан-йил яхшиланиб бораётганида ҳам яққол кўзга ташланади. Универсиада спорт ўйинлари бошланганидан буён унда минглаб талабалар иштирок этди ва кўплаб медаллар кўлга киритилди, спортнинг бир қатор турлари бўйича янги рекордлар ўрнатилди. Энг муҳими ёшларимизнинг иқтидори, чиникиш даражаси



Бугун бокс, кураш, шахмат, бадий гимнастика, теннис ва бошқа спорт турлари бўйича мамлакатимизда яратилган мактабларни бутун дунё эътироф этмоқда. Нуфузли халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиб, Ватанимиз обрўсини баланд кўтараяётган ўнлаб иқтидор соҳиблари ана шу уч босқичли спорт ўйинларида кашф этилган.

Энг муҳими, ёш авлодда спортга иштиёқ, юксак марраларга интилиш ҳисси ортмоқда. Универсиада каби нуфузли мусобақаларда галабага эришиш мамлакатимиздаги ҳар бир йигит-қиз учун юксак мақсад, эзгу орзу, фахр-ифтихор манбаига айланмоқда.

Халқимиз ўртасида «кичик Олимпиада» номини олган Универсиада мусобақалари бу йил ҳам баскетбол, волейбол,

...Стадионга ёш спортчилар, рақосалар, таниқли эстрада хонандалари кириб келади. Ранго-ранг безаклар, турфа чироқлар байрамга ўзгача файз ва тароват бахш этади. Майдон узра таралаётган шўх мусиқа ёшларни рақсга чорлайди, тантанавор руҳ қалбларга кўчади. Қалбларда бетакрор Ватанимиздан фахрланиш, унинг ёрқин келажаги бўлган иқтидорли йигит-қизларидан гурурланиш туйғулари жўш уради. Ёшлик ва спорт байрами бошланади.


Универсиада мусобақалари олдида Андижон шаҳрида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мусобақалар ўтказиладиган 31 объект замон талаблари асосида таъмирланди. Жумладан, асосий беллашувлар бўлиб ўтадиган Андижон давлат университети, қишлоқ хўжалик институти, чет тиллар институти ҳамда Андижон тиббиёт институти, Олимпия захиралари спорт коллежи янгича қиёфа касб этди. Мавжуд спорт заллари таъмирдан чиқарилди ҳамда зарур спорт жиҳозлари билан таъминланди. Мусобақа иштирокчиларининг яшаши, овқатланиши ва мазмунли дам олиши учун барча қулайликлар яратилди. Аxbорот марказлари ташкил этилиб, компьютер, факс ва телефон алоқаси билан таъминланди.

...Стадионга «Универсиада-2010» машъаласи олиб кирилади. Барчанинг диққат-эътибори машъала кўтарган спортчиларга қаратилади. Машъала Ўзбекистон Фанлар академияси «Физика-қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Материалшунослик институтидаги улкан қуёш қозонидан ўт олдирилган. Уни ёш иқтидорли спортчилардан иборат эстафета қатнашчилари автокортеж ҳамроҳлигида Тошкент вилоятининг Паркент туманидан Андижонга олиб келди.

Талаба-ёшларнинг «Универсиада-2010» спорт ўйинлари машъаласини таниқли спортчилар — сузиш бўйича Осиё кубоги совриндори Шохруҳ Юнусов, самбо бўйича Осиё чемпиони Дилдора Убайдуллаева ёқди.

«Универсиада-2010» спорт мусобақаларининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Хусниддин БЕРДИЕВ,
Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Маъсуд СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари**



зий стадионгача бўлган кўчалар анвойи гулларга бурканган.

...28 май. Андижон шаҳридаги «Соғлом авлод» марказий стадиони томошабинлар билан тўла. Бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, халқаро спорт мусобақаларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган спортчилар, ота-оналар, талаба ва ўқувчи-ёшлар йиғилган.

Чорлов мусиқаси «Универсиада-2010» спорт мусобақаларининг очилиш маросими бошланаётганидан дарак беради. Майдонда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари саф тортади.

Андижон вилояти ҳокими А.Усмонов Ўзбекистон олий ўқув юртлари талабаларининг «Универсиада-2010» спорт мусобақаларини очиб, деб эълон қиладди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Универсиада-2010» спорт ўйинлари иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи кўтарилади.

Мамлакатимиз спортчи-талабалари мусобақасининг рамзи — Универсиада байроғи кўтарилади.

Спортчи ёшлар бўлажак мусобақаларда ҳалол, мурасасиз ва мардона кураш олиб бориш ҳақида тантанали қасамёд қиладилар.

Инсон камолотида, унинг

ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», коллеж ва лицейлар ёшлари ўртасидаги «Баркамол авлод» ва олий ўқув юртлари талабаларининг Универсиада мусобақалари ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда, янги истеъодларни кашф этиш, ёшларни катта спорт сари илҳомлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши самарасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида — шаҳар ва қишлоқларда, олий ўқув юртлари қошида, мактаб, лицей ва коллежларда замонавий талабларга жавоб берадиган спорт заллари, мажмуалари ва иншоотлари барпо этилди. Чекка ҳудудларда ҳам ёшларимиз спорт билан шуғулланиши ва катта спорт мусобақаларини ўтказиш учун мустақам база яратилди.

Илк Универсиада мусобақалари 2000 йилда Наманган шаҳрида бўлиб ўтган эди. Ушанда мусобақаларнинг финал босқичида спортнинг 9 тури бўйича 1712 нафар талаба иштирок этган бўлса, Бухорода ўтган Универсиадада 2300 нафардан ортиқ талаба спортнинг 12 тури бўйича беллашди. Самарқандда ўтган «Универсиада-2004»



ошмоқда. Универсиада мусобақаларига тайёргарлик кўриш давомида ўнлаб спорт саройлари, мажмуалари, стадионлар бунёд этилди ва замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланаётди.

ҚАЛЪЛАРДА ҚУЁШ ЖИЛВАСИ

«Универсиада-2010» спорт мусобақалари машъаласи Андижонда порламоқда

Уч бўғинли спорт мусобақалари ўзига хос рамзийликка эга. Унинг биргина машъаласидаёқ мазкур ўйинларнинг мазмун-моҳияти акс этгани ҳайратингизни оширади. Машъала дастаси оловдони Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши томонидан тайёрланган бўлиб, унда халқимизнинг бой ва серқирра тарихи, миллий қадриятлари, урф-одатлари ва бугунги кундаги истиқболи ҳам жо қилинган, десак янглишмаймиз.

Аллақачон ўзига хос аънанга айланиб улгурган ҳолат — «Универсиада-2010»нинг рамзий маъини алангалатишга бағишланган тантанали маросим юртдошларимиз қалбига дастлабки кўрни ташлади. Тошкент вилоятининг сўлим Паркент туманида қад ростлаган, Марказий Осиёда ягона, дунё бўйича санокли бўлган «Физика-Куёш» илмий-ишлаб чиқариш марказидаги махсус куёш ўчоғида 2600 даражали ҳароратда ёндирилган машъала ёшларимиз юрагига илиқлик бахш этди.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш лозимки, мазкур маёқни ҳаргал спорт соҳасида улкан натижаларга эришадиган, ўз тенгқурларига ҳар жиҳатдан намуна бўла оладиган спортчи аланга олдиради. Машъала бу сафар Сидней олимпиадасида бронза медални қўлга киритган боксчи Рустам Саидов томонидан ёндирилди. Шундан сўнг қўллардан қўлларга, диллардан дилларга кўча бошлади...

«Универсиада-2010» спорт мусобақалари машъаласи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгашининг махсус автотранспорт кортежи ҳамроҳлигида спортчи-ёшлар билан биргаликда Андижон сари йўлга тушди.

Машъала йўлига пешвоз чиққан ватандошларимиз автотранспорт кортежи олдида машъала тутганча оҳиста югуриб бораётган спортчиларга ҳайрат ва ҳавас билан қарайдилар, олқишлайдилар, омад тилайдилар. Айнқса, уларнинг орасида хурсандчилигини яширолмай, Ватанимиз байроғини силкитаётган болалар эътиборингизни тортади.

Ҳа, бу болалар бугунги «Уни-

версиада» спорт мусобақасида иштирок этадиган акаю опаларининг давомчиларидир. Унгача эса «Умид ниҳоллари» ва «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида қатнашиб, тобланиши, чинқиши керак.

Юқори Чирчиқ туманига кириб борганимизда улкан спорт байрами «дебочаси»нинг гувоҳига айланишни истаган юзлаб юртдошларимиз йўлга пешвоз чиқиб, универсиада иштирокчиларига омад тилаб қолишди. Машъала қайсики йўлдан, қайсики кўча ёки маҳалладан ўтмасин, шу ердаги одамлар қалбига зиё улашиб борар, айнқса, болажонларнинг шодлигини икки ҳисса тоширадди.



ташиб кетган гуллар шаҳри — Наманганга, аниқроғи, Поп туманига кириб келдик. Биз аввалига энг зўр кутиб олиш шу туманда бўлди, десак, кейингиси ундан ҳам кўтаринки тарзда ўтар ва таассуротларимизни ўзгартириб юборарди. Наманган бўсағасида ҳам худди шундай байрам тантанасига дуч келдик.

Бу манзил — Андижонга тобора яқинлашаётганимизни англатарди.

Попдан Чустга, Чуст шаҳридан Тўрақўрғонга ўтдик. Бу ерларда одамлар машъалани интиқлик билан кутишаётган экан. Буни уларнинг кўзидаги, сўзидаги хотиржамлик ифодасидан билиб олиш қийин эмасди.

Reportaj

Намангандаги сафаримиз қариб, ниҳоят Андижон вилоятига етиб келдик. Икки вилоят орасида бамисли жон томирларидек жўшиб оқаётган Норин дарёси узра Балиқчи туманига кириб бордик. Ана мезбонлигу, мана мезбонлик. Одатдагидек карнай-сурнайлар навоси оғушида кутиб олиш тадбири ўтказилди. Тадбирда туман ҳокими, сенатор Ўткир Бектемиров «Универсиада» иштирокчиларига аталган дил сўзларини айтди. Сидней олимпиадасидаги голиби, «Ўзбекистон ифтихори» бўлмиш машҳур боксчимиз Муҳаммадқодир Абдуллаевни тадбир иштирокчилари жуда катта олқишлар билан қаршилашди. Бу Андижон майдонларида ўтувчи «Универсиада»нинг ҳам кескин муросаларга бой бўлишини билдириб турарди...

Балиқчидан Олтинкўл туманига кириб бордик. Андижонда машъалани кўриш учун чиққан одамлар сафининг охири кўринмасди.

Бундан андижонликларнинг «Универсиада» спорт мусобақалари финал боксичини кўпдан буюн интизор кутаётганини билиб олиш мушкул эмасди. Уларнинг орасида ишлаётган деҳқон, богбону миришкор, захматқаш устозу мураббийлар, шифокорлар, қўйингки, барчанинг бир

Ватан, бир эл фарзандларининг баркамоллик шодиёнасига айланиб улгурган «Универсиада» спорт мусобақаларига қизиқиши анча юқори эди.

Не-не шаҳарлару қишлоқларни, кўчаю хиёбонларни ортада қолдирган «Универсиада-2010» спорт мусобақалари маъини алангалатувчи машъала Андижон шаҳрига келтирилди! Ишонамизки, у минглаб андижонлик ёшлар қатори юртимизнинг барча гўшасида порлоқ келажакка интилаётган, тинмай ўқиб-ўрганаётган навқирон авлод юрагидаги оловни яна ҳам кучайтиради. Уларни бир тану бир жон қилиб бирлаштиришда дилларни дилларга пайвандлашда ўз ҳароратини улашаваради.

Зоҳиджон ХОЛОВ, «Ma'rifat» мухбири

Паркент—Янгибозор—
Оҳангарон—Ангрен—
Поп—Чуст—Тўрақўрғон—
Наманган шаҳри—
Балиқчи—Олтинкўл—
Андижон шаҳри



Айнқса, «Универсиада-2010» спорт мусобақалари машъаласини Ангрен туманининг захматқаш одамлари, фуқаролари, кексаю ёши ўзгача шуқуқ билан кутиб олди. Шаҳар ҳокимиятида кечган тантанали тадбир ва унга йиғилган одамларни кўриб, билмаганлар «Универсиада» шу ерда ўтапти, деб ўйлаши ҳеч гап эмас...

Тоғлар... Она табиатнинг бу улғувор, аммо ўта вазминлиги билан донг таратган мўъжизалари пойидан кета туриб, инсон хаёлидан турли ўй-кечин-



малар ўтиши, табиий. Лекин машъала ҳамроҳлигида бораётган одам бу паллада кўпроқ бир нарсани ўйлайди: бугунги ўзбек ёшларининг парвози хоки туроб ерлардан эмас, чўққиси момиқ булутлардан бўса олган мана шундай юксак тоғлардан бошланади!

Ангрен билан хайрлашгач, ям-яшил тоғ ёнбағирларига ту-

Наманган шаҳрида машъалачиларни «Конституция маркази»да кутиб олишди. Ушбу тадбир ниҳоясига етгач, Наманган шаҳар ҳокимияти биноси қаршисида катта учрашув ташкиллаштирилди.

Тонг олди. Ҳамма саҳарлаб уйғонди. Боси сафар уйқудан устун келганди. Бутун халқни, одамларимизни бирлаштираётган, байрамон руҳ улашаётган «Универсиада-2010» машъаласи билан изма-из юриш бахтини англаган кишининг кўзига чинданам уйқу бегона экан. Буни автотуртежда хизмат қилаётган ватандошларимиз мисолида кўриш мумкин эди.

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва о'рта maxsus ta'lim вазирлиги, Ўзбекистон Та'лим ва fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMEDOV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-422.
Tiraji 40656.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Nargiza IBROHIMOVA.
Navbatchi:
Baxtiyor YOQUBOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar
Gulnora SAFAROVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonada manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 02.00
ЎЗА Якуни — 23.00